

**СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД – СУВНИ ТЕЖАШ**  
**02.02.2023 17:38**  
Кўрилди: 628



Баҳор Сурхондарёдан бошланади деган ибора бу йил ҳам ўзини исботламоқда. Февраль бошланиши билан кунлар илиқлашиб, далаларда экинтиkin ишлари бошланиб кетди. Ўтган йили кузда экилган фалла майдонларида сув олиш ишларига пухта ҳозирлик кўрилаяпти. Бир сўз билан айтганда дехқоннинг “пайтавасига қурт тушди”.

Шу кунларда Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбарияти ташаббуси билан ҳар бир туманда суғориш мавсумига бағишлиланган семинарлар ташкил этилмоқда. Семинарларда хўжаликлараро каналлар ҳамда ички суғориш тармоқларини тозалаш ва тартибга келтиришни поёнига етказиш, сув олиш қулоқларини сув ўлчовчи воситалар билан жоҳозлаш ва сувдан оқилона фойдаланиш усулларини кенг татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинаяпти.

Шеробод туманидаги “Йўлдош Шойматов” фермер хўжалиги даласида ўтказилган кўргазмали семинарда тумандаги барча фермер хўжаликлари раҳбарлари, кластер ташкилотлари мутахасислари, СИУ ходимлари, туман ирригация ва мелиорация бўлимлари раҳбар ва ходимлари иштирок этиб, галдаги вазифаларни муҳокама қилдилар.

Жорий йилнинг 1 февралига қадар тумандаги мавжуд 65,1 км узунликдаги каналнинг teng ярми тозаланди ва айрим қисмлари бетонлаштирилган. 880 км узунликдаги ички суғориш тармоқлари ва новлар фермер хўжаликлари аъзолари, маҳаллалар фуқаролари кўмагида, шунингдек, ирригация бўлими техникалари ёрдамида лойқадан тозаланди ва сув ўлчовчи воситалар билан

жиҳозланди. Кузги-қиши мавсумда гидроиншоот ва гидропостларнинг 153 таси сифатли таъмирланиб, бўёқланди.

Жорий йилда Шеробод туманида 1950 га пахта майдонида томчилатиб, 1158 га ғаллазорда ёмғирлатиб суғориш жорий қилинади. Айни пайтда туманда бу масалага алоҳида эътибор берилиб, фермер хўжаликлари ва пудратчи ташкилотлар ўртасида шартномалар имзоланмоқда.

Семинарда Сув хўжалиги вазири ўринбосари Рустам Қаршиев иштирок этиб, бу йилги суғориш мавсумида Сурхондарё шароитида барча экин майдонларини суғориш учун ҳар йилгига нисбатан 1 млрд.  $m^3$  сув етишмаслигини маълумот тарзида билдириб, бунинг учун сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш, далаларга етказиб бериладиган сувнинг ҳар қатрасидан унумли фойдаланиш зарурлигини соҳа вакилларига атрофлича тушунтируди.

Шу билан бирга, бу йил сув олиш қулоқларини сифатли жиҳозлаб, сувдан унумли фойдаланган дехонларга имтиёзлар берилишини, жумладан, ўтган йили ҳар куб метр сувга 40 сўмдан солик тўланган бўлса, бу йилги мавсумда кам сув сарфлаб, мўл ҳосил етиштирган дехқонларга ҳар куб метр сув учун 28 сўмдан солик тўлаш имтиёзи қўлланилиши таъкидланди.

Семинарда иштирок этган Аму-Сурхон ИТҲБ бошлиғи Тўлқин Алимов ҳам сувчилар олдида турган долзарб масалалар бўйича ўз фикрларини баён қилди.

Сувни тежаш, сув тармоқларини тозалаш ва сув тежовчи технологияларини жорий этишга багишлиланган семинарлар Ангор, Термиз, Музробот туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Шу хафта мобайнида вилоятнинг бошқа туманларида ҳам семинарлар ўтказиш режалаштирилган.

**Аму-Сурхон ИТҲБ матбуот хизмати**

# СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ ХОРИЖЛИК МАСЛАҲАТЧИСИ БИЛАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

07.02.2023 16:05

Кўрилди: 498



2023 йил 7 февраль куни пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси Джон Александр Райт иштирокида “Ўзбекистоннинг сув хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар хорижлик эксперт нигоҳида” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Жон Райт 2021 йил апрель ойидан буён Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг маслаҳатчиси сифатида фаолият юритиб келмоқда. – Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳа етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг миллионлаб аҳолиси қишлоқ жойларда истиқомат қиласи ва уларнинг даромади асосан қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳисобидан шаклланади. Шу боис, халқаро эксперт сифатида мен Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги ПФ-5330-сонли Фармони билан Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликларининг ташкил этилиши Ўзбекистон учун тўғри қарор бўлган, деб ҳисоблайман, – дейди Жон Райт.

Унинг таъкидлашича, ўтган даврда Президент ва ҳукуматнинг Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига доир 13 та Фармон ва қарорлари қабул қилинган. Бу эса ўз ўрнида, соҳа ривожи давлатнинг доимий эътиборида эканлигидан далолат.

Сув хўжалиги ижтимоий-социал масалаларни ечиш учун хизмат қилиб, бюджетдан (йилига 4,0 фоизга яқин ЯИМдан) харажат қилинади – бу халқа кўрсатилаётган ғамхўрлик намунаси!

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ва Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси халқаро молия институтлари билан жуда пухта ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Устувор йўналишлар белгиланиб, тизимли ва самарали иш олиб борилаяпти.

Илгари Ўзбекистонда сув хўжалигининг қуи ташкилотлари мутахассислари томонидан сувни ўлчашиб ишлари қўлда олиб борилиб, кунлик ҳисоб-китоб натижалари дафтарга қайд этилган ва маълумотлар телефон орқали марказга етказилган.

Стратегияда 2023 йилгача сув ресурсларини прогнозлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда шаффоғлигини таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўйилаётган бу кенг камровли вазифалар сув ва электр энергиясидан фойдаланиш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини ошириш ва уларни тезкор қарор қабул қилувчилар учун очиқлаш ҳамда сув етказиб беришнинг сифати ва етказиб бериш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон сув хўжалиги учун мутлақо янги йўналиш. Хусусий шериклар сув хўжалигидаги муайян инфратузилмани модернизация қилишга инвестиция киритади ва уни бошқаради. Бу халқаро тажрибада йўллар ёки шифохоналар каби инфратузилмани ривожлантириш ва ишлатишда хусусий капитал ва тажрибани жалб қилиш учун кенг қўлланиладиган механизmdir. Хусусий капиталдан сугориш ва сув инфратузилмасида фойдаланиш хорижда ҳам нисбатан камроқ тарқалган. Бироқ, Ўзбекистон хукумати сув хўжалигига ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича улкан мақсадларни ўз олдига қўйган. Асосий эътибор насос станцияларини модернизация қилишга қаратилган бўлиб, бу энергияни иқтисод қилиш ва агрегатлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

- Ўзбекистондаги институционал тузилмалар ҳам, сув инфратузилмаси тармоғи ҳам ўта мураккаб. Ўтган бир йилга яқин вақт ичida республиканинг деярли барча ҳудудларига бориб келдим. Бу мен учун сув хўжалиги соҳасидаги муаммолар ва реал ҳолатни тушунишимда жуда зўр имконият бўлди. Жойларда сувчилар билан суҳбатлашдим, улар ўзларининг қилаётган ишларини гапириб беришди.

Ўзбекистон халқи, бу ердаги мутахассисларнинг меҳмондўстлиги, ватанпарварлиги ва фидойилиги мени ҳайратлантириди. Бу халқнинг буюк ўтмиши ва аждодлари бор экан. Ҳозирги ҳаракатлар, мана шу интилишлари бардавом бўлса, Ўзбекистоннинг яқин келажақда энг ривожланган давлатлар қаторига киришига ҳеч қандай шубҳа йўқ, – дейди Жон Райт.

2021 йил якунига келиб Ўзбекистонда сув хўжалиги объектларига 5 567 та замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, 3 099 та “Ақлли сув”, 426 та насос станциясига сув миқдорини ва 2 022 та мелиоратив кузатув қудуғига сизот сувлари кўрсаткичлари ва ерларнинг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилди. 20 та сув хўжалиги обьекти автоматлаштирилди.

1688 та насос станциясига 2173 та автоматлаштирилган электр ўлчов асбоблари ўрнатилди ва республика бўйича ягона электрон ахборот тизимига интеграция қилинди ҳамда электр энергия сарфини “онлайн” назорат қилиш имконияти яратилди.

2021 йилда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича қиймати 1 216 млрд. сўм бўлган 100 та лойиҳа юзасидан битимлар имзоланди. Ушбу лойиҳалар доирасида хусусий шериклар томонидан дастлабки 3 йилда 112,3 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилиши ва 152,9 млрд. сўм бюджет маблағи иқтисод қилиниши кўзда тутилган.

5 та хорижий инвестиция лойиҳаси доирасида 136,2 млн. доллар ўзлаштирилди. Бунинг натижасида йил якунига келиб жами 554,5 км канал ва улардаги 353 та гидротехник иншоот реконструкция қилинди, 92 та вертикал сугориш қудуғи бурғиланди. Лойиҳалар ҳудудида 800 млн. сўм эксплуатация маблағлари иқтисод қилинишига, ирригация тизими каналларининг фойдали иш коэффициентини 15 фоизга оширишга эришилди.

Ўтган бир йил ичида Ўзбекистоннинг сув хўжалиги соҳасида кўплаб янгиликлар бўлди. Соҳада мутахассис кадрлар тайёрлаб берадиган таянч олий ўқув юрти – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг мақоми ошиб, Президент қарорига асосан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети деб қайта номланди. Университетга таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини мустакамлаш, гидроэнергетика, ирригация, мелиорация, қишлоқ хўжалигига инновацион техника ва технологиялар, сув тежовчи сугориш технологиялари каби йўналишларда кадрлар тайёрлаш бўйича улкан вазифалар юклатилди.

2021 йилда Сув хўжалиги соҳасидаги 5 500 нафар раҳбар-ходимнинг, шундан 2777 нафари сувдан фойдаланиш ва сув тежовчи сугориш технологияларини жорий қилиш, 1200 нафари ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли технологиялардан фойдаланиш, 300 нафари насос станциялар, 300 нафари мелиорация, 393 нафари гидрометрия ва 530 нафарининг бошқа йўналишлар бўйича малакаси оширилди. Тизимдаги ташкилотларнинг олий маълумотли мутахассис кадрлар билан таъминланганлик даражаси 45 фоиздан 47 фоизга етказилди.

Яқинда Ўзбекистон Президенти “2023–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонни имзоланди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 7 та йўналиш белгиланган. Унинг учинчи йўналишида сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш мақсадлардан бири сифатида кўрсатилган.

2023–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида Сув хўжалиги вазирлигига янада кўпроқ вазифалар белгиланган.

2023 йилда янги ва фойдаланишдан чиқсан 129 минг гектар ерларни ўзлаштириш, сув тежовчи технологияларни 260 минг гектарда жорий этиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 млрд куб метр сувни иқтисод қилиш каби вазифаларнинг қўйилиши Ўзбекистон ҳукуматининг келажакда кутилаётган хатарларга олдиндан тайёргарлик кўра олишини, жумладан, муқаррар сув танқислигини юмшатиш бўйича амалий чоралар қабул қилаётганлигининг исботидир.

Ўзбекистоннинг сув хўжалиги соҳасидаги трансформацион ўзгаришлар кўп йиллар давом этади. Жон Райт ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу трансформацион ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор йўналишларни ишлаб чиқди.

30 мингдан зиёд мутахассис-ходимлар меҳнат қилаётган вазирлик тизимида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва келажак авлодлар учун барқарорликни яратиш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жон Райт бу хайрли ишларни қўллаб-қувватлаб, Янги Ўзбекистоннинг фаровон келажаги учун ҳисса қўша олганидан ниҳоятда мамнун эканлигини билдириди.

Матбуот анжумани “Uzreport” телеканали орқали жонли эфирга узатилди. Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакилларидан тушган саволларга тўлиқ жавоб қайтарилди.

**Матбуот хизмати**

## СУВЧИЛАР ЮКСАК ҲАМЖИҲАТЛИК НАМУНАСИННИ КҮРСАТМОҚДА

08.02.2023 12:52

Кўрилди: 533



Қорақалпоғистон Республикасида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ишлари қизғин суръатларда олиб борилмоқда. Ёғаётган қор, ёмғир ёки шимолга хос бўлган совуқ ҳам сувчиларнинг бу борадаги ишларига халақит қила олмаяпти.

7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Назаров Шуманай туманидаги ғалла майдонларига ёмғирлатиб сугориш технологияларини жорий қилиш ишлари билан яқиндан танишди.

Тежамкор технологияларни куриш ва монтаж қилиш ишларида сув хўжалиги ташкилотларида ташкил қилинган сервис гурухлари кўмагидан самарали фойдаланиш, ҳашарлар уюштириб ишчи-ходимларга иссиқ овқат ташкил қилган ҳолда иш унумдорлигини ошириш, ҳудудлардаги ирригация ва мелиорация тармоқларини қазиб тозалаш борасида кўрсатмалар берди.

– Олдимизга қўйган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда барча сувчилар юксак ҳамжиҳатлик намунасини кўрсатмоқда, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Тажетдин Мадиреймов. – Мана бир неча кундирки, сувчилардан ташкил топган сервис гуруҳи ходимлари Шуманай туманидаги “Баҳром илғор кластер” масъулияти чекланган жамиятининг ғалла майдонларига ёмғирлатиб сугориш технологияларини қуриш ва монтаж қилиш ишларини олиб

бормоқда. Ҳудуддаги 25 километр коллектор ва 24 километр ички канал ва ариқларни қазиб тозалашга 10 дан ортиқ экскаватор ва махсус техникалар жалб қилинганд. Барча ишчи ва механизаторларга дала бошида иссиқ овқат ташкил қилиниб, ишлашлари учун шароитлар яратилған. Умуман олганда ҳар куни 500 нафардан ортиқ сувчилар мазкур ҳудудда ҳамжиҳатлик билан зиммамизга юкландын вазифаларни бажариш бүйича бор күч-гайратимизни сафарбар этмоқдамиз.

Ғаллачиликка ихтисослаштирилған “Баҳром илғор кластер” жамоаси олдин ҳам сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиб келаётган эди. Хусусан, жорий мавсумда 550 гектар майдонга ғалла экилған бұлса, мазкур майдонлар тұлық лазер ускунаси ёрдамида текисланған. Эндилекта, ғалла майдонларыда ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилмоқда.

Сувчилар бошқа ҳудудларда ҳам ҳашар йўли билан шу каби тадбирларни амалга оширмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Қорақалпоғистон Республикасида 2023 йил жами 22 минг 500 гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий қилиш режалаштирилған. Шундан ғалла майдонларыга 5 минг гектар ёмғирлатиб суғориш технологияси ўрнатилиши назарда тутилған.

**Ғ.Отажонов,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби**

**ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ ҚАРШИ МАГИСТРАЛ КАНАЛИДА ОЛИБ  
БОРИЛАЁТГАН ТОЗАЛАШ-ТИКЛАШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ  
09.02.2023 16:26  
Кўрилди: 1014**



Айни кунларда Қашқадарё вилояти худудидаги барча канал ва коллекторларда тозалаш, таъмирлаш-тиклаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу эса сув йўлларининг ўтказувчанлик қобилияти ва фойдали иш коэффициентини оширишда муҳим омил саналади.

Жумладан, Қарши магистрал каналининг 539-пикетида ҳам айни пайтда кенг кўламда тозалаш ишлари бормоқда. Мазкур канал М-2, М-3 ва “Шўртан” каби йирик насос станцияларига сув тақсимлаб беради. Бу орқали Нишон, Фузор, Қарши ва Косон туманларидаги жами 100 мингдан зиёд экин майдонлари суғорилади.

Шундан кўриниб турибдики, ушбу каналнинг тизимда салоҳияти жуда катта. Бу ерда олиб борилаётган тозалаш-тиклаш ишларида иш унуми юқори бўлган техника-механизмлардан фойдаланилмоқда. Шунингдек, ишнинг икки сменада ва отряд усулида ташкил этилганганлиги ҳамда ишчи-ходимларга яратилган шарт-шароитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ўз вақтида етказиб берилаётганлиги меҳнат унумдорлигини оширмоқда.

Сув хўжалиги вазири ўринbosари Рустам Қаршиев Қарши магистрал каналида кузги-қишки тадбирларнинг бориши билан яқиндан танишди. Каналнинг вилоят сув хўжалигига тутган ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, тозалаш, таъмирлаш-тиклаш ишлари кўламини янада кенгайтириш, жараённи жадаллаштириш бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатма ва топшириқлар берди.

**Аму-Қашқадарё ИТҲБ матбуот хизмати**

**СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ НАВБАТДАГИ ҲАЙЪАТ  
ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ**

**12.02.2023 12:00**

Кўрилди: 911



Ўтган 2021 йилда сув ресурслари ҳар йилгидан 25–30 фоизга танқис бўлишига қарамасдан сувчиларимизнинг мاشақкатли меҳнатлари эвазига истеъмолчиларга йил давомида 44 млрд.м<sup>3</sup>, суғориш мавсумида 32,6 млрд. м<sup>3</sup> сув етказиб берилди.

Сув танқислигини юмшатиш мақсадида тик қудуқларга 100 дона насос ҳамда коллектор тармоқларига 1172 дона дизель насоси ўрнатилиб, ер остидан 395 млн. м<sup>3</sup> ва зовурлардан 784 млн. м<sup>3</sup> сув олинди. Бунинг натижасида сув таъминоти оғир бўлган 352 минг гектар майдонга керакли миқдорда сув етказиб берилди.

Йил давомида сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация-мелиорация ишлари, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан 10 млрд. м<sup>3</sup>, шу жумладан суғориш мавсумида 8 млрд. м<sup>3</sup> сув иқтисод қилинди.

2023 йил 12 февраль куни бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида вазирлик тизимида 2021 йил давомида ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш якунлари таҳлилий-танқидий кўриб чиқилди, бу йилги устувор вазифалар ва 1 апрелдан бошланадиган вегетация мавсумига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидландикси, тизимдаги барча ислоҳотлар сув хўжалигини ривожлантириш бўйича Концепция ҳамда Стратегия асосида олиб борилмоқда. Ўтган йилнинг баҳорида ёғингарчиликнинг кам бўлгани, ёз

чилласининг ўта иссиқ келиши, сув ресурслари ҳар йилгидан танқис бўлишига қарамасдан суғориш мавсуми муваффақиятли ўтказилди. Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олинди.

Соҳада ютуқлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Мисол учун, 2021–2023 йиллар кузги-қишки мавсумда республика бўйича шўр ювиш учун жами 602,1 минг гектар, шундан график бўйича бугунгача 519,5 минг гектар майдонда ер тайёрлаш режалаштирилган бўлиб, амалда 451,4 минг гектар (87%) майдонда ер тайёрлаш ишлари бажарилган.

Умумий шўр ювиш ишларини жами 968,2 минг гектар, шундан график бўйича бугунгача 217 минг гектар майдонда амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда 123,7 гектар (57%) майдонда шўр ювиш ишлари ўтказилган.

2023 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган 350 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, шундан 300 минг гектарда томчилатиб, 50 минг гектарда ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилган.

Бугунги кунда 2023 йил ҳосили учун экилган ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича 59,5 минг гектар (119%) майдон учун шартномалар расмийлаштирилган бўлиб, шундан 5,6 минг гектар учун 121,9 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган. Ҳозирда пудрат корхоналари томонидан 5,7 минг гектар ғалла майдони учун технологияни жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 375 гектар майдон учун 7,59 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса-да, 163 гектар майдонда қурилиш монтаж ишлари якунланмаган. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 166 гектар, Бухорода 776 гектар, Жиззахда 95 гектар, Навоийда 284 гектар, Намангандаги 50 гектар, Сурхондарёда 120 гектар, Фарғонада 231 гектар ҳамда Хоразмда 1 минг 417 гектарни ташкил этмоқда.

Шунингдек, 2023 йилда 238,3 минг гектар (режага нисбатан 95,0%) пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурувчи пудрат корхоналар ўртасида шартномалар расмийлаштирилган. Мазкур шартномаларга асосан тижорат банклари томонидан 22,1 минг гектар майдон учун 309,6 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган. Лекин, жойлардан олинган маълумотлар таҳлил қилинганда Бухоро вилоятида 7 минг 335 гектар, Қашқадарёда 4 минг 353 гектар, Самарқандаги 8 минг 53 гектар, Сурхондарёда 2 минг 300 гектар, Сирдарёда 100 гектар майдон молиялаштирилган бўлса-да, қурилиш монтаж ишларига тўлиқ киришилмаган.

Йирик сув хўжалиги объектларини автоматлаштириш режаси республика бўйича бажарилган. Аммо, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида бирорта ҳам сув хўжалиги объектининг бошқарув жараёнлари автоматлаштирилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва барча ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда тизим ташкилотлари

томонидан 2020–2021 йилда амалга оширилган лойиҳаларнинг битим мажбурияти бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борилмаган.

Ҳайъат йифилишида кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Матбуот хизмати**

## **СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ МАСЛАҲАТЧИСИ ТАЛАБАЛАР ВА ЎҚИТУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ**

**16.02.2023 12:16**

Кўрилди: 642



2023 йил 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси Джон Александр Райт “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” миллий тадқиқот университетига ташриф буюрди.

Дастлаб, университет ўкув корпуси, таълим жараёни ва лабораторияларни кўздан кечирди.

Сўнгра университет талабалари, тадқиқотчилари, профессор-ўқитувчилари иштирокида “Ўзбекистоннинг сув хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар хорижлик эксперт нигоҳида” мавзууда тақдимот ўтказилди. Унда Джон Райт Янги Зеландия ва Австралияда сув хўжалиги бўйича орттирган тажрибаси, 2021 йилнинг апрелидан Ўзбекистонга келиб фаолият бошлагани, ўтган даврда амалга оширган ишлари, мамлакатимиз сув хўжалиги соҳасининг бугунги ҳолати ва олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами ҳақида гапириб берди.

Жон Райт Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг маслаҳатчиси сифатида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг хизматини жорий этиш, шунингдек, сув ресурсларини бошқаришда рақамли технологияларни бошқариш йўналишларида иш олиб бормоқда.

Унинг эътирофича, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ва

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегияси халқаро молия институтлари билан жуда пухта ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Устувор йўналишлар белгиланиб, тизимли ва самарали иш олиб борилаяпти.

Стратегияда 2023 йилгача сув ресурсларини прогнозлаштириш, уларнинг хисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўйилаётган бу кенг қамровли вазифалар сув ва электр энергиясидан фойдаланиш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини ошириш ва уларни тезкор қарор қабул қилувчилар учун очиқлаш ҳамда сув етказиб беришнинг сифати ва етказиб бериш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон сув хўжалиги учун мутлақо янги йўналиш бўлиб, хусусий шериклар сув хўжалигидаги муайян инфратузилмани модернизация қилишга инвестиция киритади ва уни бошқаради.

2021 йилда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича қиймати 1 216 млрд. сўм бўлган 100 та лойиҳа юзасидан битимлар имзоланди. Ушбу лойиҳалар доирасида хусусий шериклар томонидан дастлабки 3 йилда 112,3 млрд. сўм микдорида инвестиция киритилиши ва 152,9 млрд. сўм бюджет маблағи иқтисод қилиниши кўзда тутилган.

2021 йил якунига келиб Ўзбекистонда сув хўжалиги обьектларига 5 567 та замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, 3 099 та “Ақлли сув”, 426 та насос станциясига сув микдорини ва 2 022 та мелиоратив кузатув қудуғига сизот сувлари кўрсаткичлари ва ерларнинг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш курилмаси ўрнатилди. 20 та сув хўжалиги обьекти автоматлаштирилди.

1688 та насос станциясига 2173 та автоматлаштирилган электр ўлчов асбоблари ўрнатилди ва республика бўйича ягона электрон ахборот тизимига интеграция қилинди ҳамда электр энергия сарфини “онлайн” назорат қилиш имконияти яратилди.

Шунингдек, 5 та хорижий инвестиция лойиҳаси доирасида 136,2 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди. Бунинг натижасида йил якунига келиб жами 554,5 км канал ва улардаги 353 та гидротехник иншоот реконструкция қилинди, 92 та вертикал сугориш қудуғи бурғиланди. Лойиҳалар ҳудудида 800 млн. сўм эксплуатация маблағлари иқтисод қилинишига, ирригация тизими каналларининг фойдали иш коэффициентини 15 фоизга оширишга эришилди.

Ўтган бир йил ичида Ўзбекистоннинг сув хўжалиги соҳасида кўплаб янгиликлар бўлди. Соҳада мутахассис кадрлар тайёрлаб берадиган таянч олий ўқув юрти – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг мақоми ошиб, Президент қарорига асосан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети деб қайта номланди. Университетга таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини мустакамлаш,

гидроэнергетика, ирригация, мелиорация, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялар, сув тежовчи суғориш технологиялари каби йўналишларда кадрлар тайёрлаш бўйича улкан вазифалар юклатилди.

Тақдимотдан сўнг талабалар ва ўқитувчилар Джон Райт билан мулоқот қилдилар. Халқаро эксперт нигоҳи билан қараганда Ўзбекистон сув хўжалиги тизимидағи ислоҳотлар қай даражада бормоқда, соҳани рақамлаштириш ҳолати бугунги кун учун етарлими, сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари қайси бўғинда ва қайси йўналишларда амалга оширилиши маъқулроқ каби саволларга чет эллик мутахассис томонидан атрофлича жавоб берилди.

## **Матбуот хизмати**

# **СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ ИШТИРОКИДА БРИФИНГ ЎТКАЗИЛДИ**

**25.02.2023 10:30**

Кўрилди: 734



2023 йил 25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш” мавзусида брифинг ўтказилди. Унда Сув хўжалиги вазирининг ўринbosари Акмал Мирзаев ахборот берди.

Президентимизнинг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”да давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш ҳамда тежалган маблағларни сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда рағбатлантиришга йўналтириш бўйича вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилда 8 та, 2021 йилда 100 та лойиҳа юзасидан хусусий шериклар билан битимлар имзоланди. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 1 трлн. 333 млрд. сўмни ташкил этиб, дастлабки йилларда хусусий шериклар томонидан 146,3 млрд. сўм инвестиция

маблағлари киритиш ва бунинг натижасида 144,5 млрд. сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш кўзда тутилган.

Мисол учун, Самарқанд вилояти Нарпай туманида жойлашган ирригация ва мелиорация объектлари ҳамда 8 та насос станциялари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Мароқанд сифат” МЧЖ кластер ташкилоти бошқарувига берилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 463 млрд.сўм бўлиб, хусусий шерик томонидан дастлабки йилларда насос станцияларининг 8 дона агрегати тўлиқ таъмирланди, Оқтош-1 насос станцияси биносининг том қисми янгиланди ва Қозоқ-Ариқ каналининг 16 км узунликдаги қисми механизмлар ёрдамида тозаланди. Бундан ташқари, Хитой давлатидан 500 минг АҚШ доллари эвазига янги (SFWP 105-700 маркали) насос агрегатлари олиб келинмоқда.

Шунингдек, Сирдарё вилояти Сирдарё туманида жойлашган “Шоликор” ва “Шўрузак” насос станциялари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Гулистан Агро Гроуп кластер” МЧЖ бошқарувига берилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 46,4 млрд. сўм бўлиб, хусусий шерик томонидан бугунги кунга қадар 5 млрд. сўм инвестиция маблағлари киритилиб, 5 дона насос агрегатлари реконструкция қилинди, мавжуд каналга янги дамба қурилди, 1 дона земснаряд сотиб олинди, сув келтирувчи каналнинг 200 метр қисми тўлиқ таъмирланди, сув тўсувчи иншоотлар модернизация қилинди ва насос станцияларининг ёрдамчи бинолари таъмирдан чиқарилди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилар экан, жорий йилда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 52 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар доирасида хусусий шериклар томонидан дастлабки йилларда инвестициялар киритилиши ва бунинг натижасида бюджет маблағларининг иқтисод қилиниши кўзда тутилган.

Хозирги кунда 8 та лойиҳанинг дастлабки хужжатлари ишлаб чиқилиб, тегишли хулосалар олиш учун Молия вазирлигига тақдим этилган. Шу билан бирга, 23 та лойиҳа бўйича хужжатлар тайёрланмоқда ва 21 та лойиҳа юзасидан хусусий шериклар билан музокаралар давом этаяпти.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туманидаги “Бекяб 48” насос станциясини “Убайдуллаев Батирбай” кластер ташкилоти бошқарувига олиш бўйича таклиф тушган. Умумий қиймати 5 млрд. 438,0 млн. сўмлик лойиҳа доирасида хусусий шерик томонидан дастлабки 2 йилда насос станциясини янги жойга кўчириш ва модернизация қилиш учун 2 млрд. 200 млн. сўм инвестиция киритиш ҳамда лойиҳа муддати давомида эксплуатация харажатларини тўлиқ зиммасига олиб, бунинг учун 3 млрд. 239 млн. сўм маблағ йўналтириш таклифини белдирган. Мазкур лойиҳа хусусий шерик томонидан жами харажатлар қайтармаслик шарти билан амалга оширилади.

Хозирги кунда сув хўжалиги объектларини хусусий шерик бошқарувига бериш учун шу каби кўплаб таклифлар билдирилмоқда.

2023-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 260 та Сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик

тамойиллари асосида бошқариш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, сув хўжалигига давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг татбиқ этилиши давлат бюджетидан соҳага ажратиладиган маблағларни босқичма-босқич қамайтириш, иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этиш учун хусусий инвестицияларни жалб этиш ва илғор бошқарув тажрибасини жорий этишга хизмат қилмоқда.

## **Матбуот хизмати**

## ВАЗИР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ ЖУДА САМИМИЙ ЎТДИ



Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамраев Қашқадарё вилояти сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар ва баҳорги экин экишга тайёргарликни кўздан кечириш мақсадида бир неча кундан бўён вилоятимизда хизмат сафарида бўлиб турибди.

Вазир бугун Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида бир гурух сувчи ёшлар билан учрашди.

Вилоят сув хўжалиги ташкилотларида 18 ёшдан 30 ёшгacha бўлган жами 394 нафар йигит-қиз фаолият олиб бормоқда. Уларга шароитлар яратиб бериш, муаммоларига ечим топиш раҳбариятнинг доимий эътиборида.

Мулоқот чоғида вазир муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев ташабbusлари билан мамлакатимиз сув хўжалиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб берди, бу жараёнларда соҳа мутахассисларининг, айниқса, ёш кадрларнинг иштироки, касбий ва илмий салоҳияти муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади.

Сувчилик шарафли, шу билан бирга масъулияти ва машаққатли касб. Бу номга эга бўлиш учун киши ҳалол ва фидоийлик билан меҳнат қилмоғи лозим. Бунда эса катта ҳаётий тажрибага эга бўлган фаҳрий сувчиларнинг меҳнат фаолияти ёшлар учун ибрат мактаби бўлиши алоҳида эътироф этилди.

Учрашув давомида тизимда фаолият олиб бораётган ишчи-ходимлар, хусусан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бунинг учун корхона ва ташкилотлarda ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш орқали қўшимча даромад манбаларни яратиш юзасидан мутасаддиларга зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди. Шунингдек, ёш мутахассисларнинг малакасини узвий ошириб бориш, илмий тадқиқотларга қизиқувчан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида маънавий-

маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини мунтазам ташкил этиш масалалари ҳам мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди.

- Учрашувда вазиримизнинг бизга берган қимматли маслаҳатлари, ўгитлари, эътибор ва ғамхўрликлари барчамизга ўзгача мотивация берди, - дейди Аму-Қашқадарё ИТҲБнинг ёшлар етакчиси Феруз Хушвақтов.

Яна бир эътиборли жиҳати, тадбир давомида ёшлар томонидан билдирилган бир қатор таклиф ва ташаббуслар вазир томонидан маъқулланди.

- Ёшларимизнинг фаоллигини, ташаббускорлигини кўришни жуда ҳам ҳоҳлардим, - деди самимий сухбат чоғида вазир. -Чунки, биз янгича фикрлайдиган, тинмай изланадиган, шижаатли ёшларимизга ишонамиз, суюнамиз. Шундай экан, маррани юқори қўйинг!

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбир якунида ёшлар мавзу юзасидан ўзларининг қизиқтирган барча саволларига тўлақонли жавоблар олишди.

**Аму-Қашқадарё ИТҲБ матбуот хизмати**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

07.03.2023 14:36

Кўрилди: 751



Юртимизда ёшариш ва янгиланиш фасли баҳор байрамлар билан бошланади. Улардан энг нафосатлиси 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамидир. Ушбу айём муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тантанали тадбир ўтказилди.

Бугунги кунда вазирлик тизимида 33 мингдан зиёд ходим меҳнат қиласи. Уларнинг тахминан 10 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Сув хўжалиги соҳасининг ўзига хос машаққатлари, суғориш мавсумида тунги вақтларда ҳам ишлашга тўғри келиши ва бошқа омиллар туфайли кўпроқ эркаклар ушбу соҳада банд.

Бироқ, аёлларнинг меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилгани, уларга эътибор қаратилаётгани туфайли сўнгти йилларда сув хўжалигига ҳам хотин-қизларнинг сони ортмоқда. Маълумотларга кўра, 2018 йилда вазирлик ташкил этилганидан буён ўтган 4 йил давомида 17 нафар хотин-қиз Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланган.

Бўлиб ўтган тадбирда вазирлик тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг мавқеи ва нуфузини ошириш, уларга имтиёзлар яратиш тўғрисида сўз борди.

Вазирлик марказий аппаратида меҳнат қилаётган хотин-қизларга совғалар улашилди.

**Матбуот хизмати**

# ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ДОКТОРАНТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

25.03.2023 10:33

Кўрилди: 622



Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Рустам Қаршиев Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти жамоаси ҳамда докторантлари билан учрашув ўтказди. Учрашувда докторантларга мавзуларни танлашда сув хўжалиги соҳасидаги мавжуд муаммоларга эътибор қаратиш кераклиги, танлаб олинган мавзулар бўйича қилинаётган ишларнинг долзарблигини қўрсатиб бериш, илм билан амалиётни бир-бирига узвий боғлаш ҳамда мазкур танлаб олинган мавзулар орқали ишлаб чиқиладиган лойиҳаларни тижоратлаштириш бўйича вазирликка таклифлар киритиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, докторантларни қийнаб келаётган муаммолари муҳокама қилинди.

Учрашув чоғида институтнинг таянч докторанти Д.Қодировнинг 05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши ихтисослиги бўйича “Сув омбори иншоотларига кўчки хавфи таъсирини баҳолаш усулларини такомиллаштириш (Оҳангарон сув омбори мисолида)” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация ишини муҳокама қилинди. Тадқиқотчининг диссертацияси сув омборида қирғоқлар кўчиши ҳодисаларини қузатиш уларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг кўчиш тезлигини қайд этиш, кўчкига таъсир этувчи ташқи кучларнинг даврий ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш, ўз вақтида олдини олиш бўйича зарурӣ тадбирларни амалга ошишни тадқиқотчиликни таъсир этувчи факторларни излантиришни көрсатадиган.

ошириш, сув омбори иншоотларга кўчки хавфи таъсирини баҳолаш ва шу билан бирга сув омборидан фойдаланишда иншоотларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбир ва тавсиялар ишлаб чиқишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Докторант изланишлари туфайли олинадиган натижалар сув омборидан фойдаланишда иншоотларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш, иншоотлар хизмат даврини узайтириш муаммоларини ҳал қилишга хизмат қилишини таъкидлади.

Докторант А.Долидудконинг 06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дәхқончилик ихтисослиги бўйича олиб бораётган “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда коллектордан фойдаланиш ишончлилигини ошириш усуллари (Сирдарё вилояти мисолида)” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича маъруза қилди. Диссертация ишининг долзарблиги шундаки, Сирдарё вилояти худудида коллектор-зовур тармоқларининг ишончлилигини ошириш, суғориладиган майдонларда сув-туз баланси тенгламаларини ечиш ва математик моделлаштириш усулларидан, эмпирик умумлаштириш ҳамда математик статистика усулларидан фойдаланиш диссертация иши долзарб сув ресурсларини бошқаришга оид илмий техник муаммоларга бағишлиланган.

Учрашувда таъкидландики, вазирлик томонидан 2023 йилда амалга ошириладиган илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари бўйича 4,3 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 2,61 млрд. сўми Республика бюджетидан ажратилади.

Шу билан бирга, докторантларнинг тасдиқланган илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари бўйича олиб бораётган фаолиятлари жумладан, ёпиқ горизонтал дренаж қувурларни ювиб тозаловчи қурилманинг техника ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ғўзани томчилатиб суғоришда вертикал кудуклар сувидан фойдаланиш ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини илмий асослаш мавзулар кенг муҳокама қилинди.

**Матбуот хизмати**

## ВАЗИРЛИКНИНГ ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

28.03.2023 12:49

Кўрилди: 680



2023 йил 28 март куни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Унда Сув хўжалиги вазири, маслаҳатчиси ва вазир ўринbosарларлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари, ZOOM платформаси орқали худудий студиялардан жойлардаги сув хўжалиги ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Ҳайъат йиғилишига раислик қилган Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев кун тартибидаги масалалар билан таништириб ўтди.

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартағи “Кишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан вазирликка юклатилган вазифа ва функциялар ижроси муҳокама қилинди. Бу борада эришилган натижалар билан бирга, айrim камчиликларга йўл қўйилгани жиддий танқид қилинди.

Хусусан, 2023 йилда 174,7 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича тижорат банклари билан кредит шартномалари расмийлаштирилган бўлсада, бугунги кунда 148,3 минг гектар

ёки бор-йўғи 15,0 фоиз майдон молиялаштирилган. Навоий ва Тошкент вилоятларида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича молиялаштириш ишларига ҳали киришилмаган.

Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича Жиззах вилоятида 3 340 гектар (67,0 фоиз), Сурхондарё вилоятида 1 226 гектар (49,0 фоиз), Бухоро вилоятида 3 841 гектар (41,0 фоиз), Қорақалпоғистон Республикасида 308 гектар (40,0 фоиз) ҳамда Самарқанд вилоятида 464 гектар (14,0 фоиз) майдонда қурилиш ишлари бошланмаган.

Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида эса ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича молиялаштириш ишларига умуман киришилмаган.

Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туман ирригация бўлимлари томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Сувни тежовчи технологияларни жорий этишда ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик, технология жорий этиладиган экин майдонларининг узлуксиз электр энергияси ва сув билан таъминлаш имкони мавжудлигини инобатга олиш, “Бир канал – бир тизим” тамойили асосида ишларни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 мартағи “Куи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам вазирлик ва тизим ташкилотларида ишлар бошланган. Қарор талабларидан келиб чиқиб, истеъмолчилар ва туман ирригация бўлимлари ўртасида сув етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланаётганлиги соҳа ходимлари олдига катта масъулият юклashi айтиб ўтилди.

Муҳокамалар чоғида мазкур қарор ижросини таъминлаш, куи бўғинда сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисботини тўлақонли юритиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларга хусусий секторни кенг жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмас деб топилди.

Йиғилишда барча суғориш тармоқлари, шу жумладан, вилоятлараро ва магистрал каналлар, ирригация тизимлари, ички хўжалик суғориш тармоқлари, насос станциялари, суғориш ва мелиоратив қудукларни 2023 йил вегетация мавсумига тайёрлаш масалалари танқидий кўриб чиқилди. Тизимдаги деярли барча ташкилотлар суғориш мавсумига тайёргарликни якунига етказган. Аммо, тадбирларни ўз вақтида бажармаган, қолоқликка йўл қўйган ташкилотлар ҳам бор. Мисол учун, ирригация тармоқларини тозалаш ишлари Мўйноқ тумани ирригация бўлими томонидан 35,0 фоизга, Тахтакўпир тумани ирригация бўлими томонидан 30,0 фоизга бажарилган. Гидротехника иншоатларини таъмирлаш “Қуанишжарма” ирригация тизими

бошқармаси томонидан 50,0 фоизга, Қораўзак ва Қўнғирот туман ирригация бўлимлари томонидан 46,0 фоизга, Тахиатош туман ирригация бўлими томонидан 33,0 фоизга ҳамда Шуманай туман ирригация бўлими томонидан 20,0 фоизга бажарилган. Йиғилишда масъулларга ирригация тармоқларини тозалаш ва гидротехник иншоатларни таъмирлаш ишларини бир ҳафта муддатда тўлиқ яқунлаш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 15 мартағи 11/1-22-238-сонли ахборотида кўрсатиб ўтилган конун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш билан боғлик масалалар ҳам танқидий-таҳлилий мухокама қилинди.

Худудий бошқармалар матбуот хизматлари ишини такомиллаштириш, сув хўжалиги фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, тизимда коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича топшириqlар берилди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Матбуот хизмати**

# **СУВ ХҮЖАЛИГИДА ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ УЗВИЙЛИГИ**

**29.03.2023 12:49**

Күрилди: 352



## **Семинар мавзуси ва ташкилотчилар**

2023 йил 29 март куни “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида “Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш самарадорлиги ва уларнинг замонавий усуллари” мавзусида семинар ўтказилди. Тадбир Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ва Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

### **Нега айнан университет танланди?**

Давлат томонидан яратилган имконият ва имтиёзлар туфайли мамлакатимизда сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонлар йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Сўнгги беш йилда 643 минг гектарда ана шундай технологиялар ўрнатилди. Жорий йилда эса 260 минг гектарда сувни тежовчи, жумладан, 230 минг гектарда томчилатиб, 28 минг гектарда ёмғирлатиб, 2 минг гектарда дискрет сугориш тизимини жорий этиш мўлжалланган.

Бу жараёнда сув тежовчи технологияларни чуқур биладиган кадрларга эҳтиёж ортмоқда. Шу маънода, бугунги тадбир қонун чиқарувчи орган аъзолари, амалиётчи вазирлик раҳбари ва ўринбосарлари, мутахассислари, назариётчи университет раҳбарияти ва олимлари, тадқиқотчилари, бўлажак сувчиларни бир жойга жамлаган ўзига хос платформа бўлди.

### **Кимлар сўзга чиқди?**

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ректори Б.Мирзаев, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Б.Тожиев, Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраевга сўз берилди.

Жумладан, Сув хўжалиги вазири Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 март куни сув хўжалиги соҳасига доир 2 та қарори имзоланганини эътироф этар экан, ушбу ҳужжатлар соҳа ривожида кенг шароит ва имтиёзлар яратишини, сувчилар давлат ва ҳукуматнинг соҳага қаратилаётган эътиборидан мамнун эканликларини таъкидлади.

Бу йил баҳор ёғингарчиликларга сероб бўлди. Сув ҳам олдинги йилларга нисбатан мўл. Бироқ, бу хотиржамликка берилишга асос бўлолмайди. Сувнинг ҳар томчисидан самарали фойдаланиш, уни тежаш, шу мақсадда замонавий ва рақамли технологияларни жорий этишни кенгайтириш сувчилар олдида устувор вазифа бўлиб қолади.

### **Маъruzalар**

Ўқув семинарида “Ўзбекистонда сув тежовчи замонавий технологияларни жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги режалар”, “Сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг афзалликлари”, “Сув ресурсларини бошқариш ва сувни тежайдиган инновацион технологиялар бўйича кадрлар тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар” каби мавзуларда маъruzalар тингланди. Томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиялари орқали қишлоқ хўжалиги экинларини етиширишда қўлланиладиган агротехник тадбирлар ҳақида тушунтиришлар берилди.

### **Хулоса**

Ўқув семинари барча иштирокчилар, айниқса, университет тадқиқотчилари ва талабалари учун ҳам, унда онлайн қатнашган ҳудудий сув хўжалиги ташкилотларининг мутахассислари учун ҳам фойдали бўлди. Экспертлар ушбу тадбирни сув хўжалиги соҳасида илм-фан ва амалиёт узвийлигининг ёрқин намунаси сифатида баҳоладилар.

### **Матбуот хизмати**

## **СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**

**18.04.2023 14:00**

Кўрилди: 471



2023 йилнинг 18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига ўтказилган тадбир жорий йилда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда Президентимизнинг шу йил 1 март куни қабул қилинган сув хўжалиги соҳасига доир қарорлари ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланди.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Назаров сув аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминловчи неъмат бўлиб, вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган 33 мингдан зиёд ишчи-ходимлар аҳиллик билан меҳнат қилаётганлигини, оби ҳаётнинг ҳар томчисини қадрлаш, исроф қиласли, ундан унумли фойдаланиш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошираётганлигини таъкидлади.

Президентимизнинг жорий йил 1 март куни қабул қилинган “Куйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳага доир энг долзарб масалалар ечимини топган муҳим ҳужжат бўлди.

Қарор билан сув ресурсларини қуи бўғингача Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидағи ташкилотлар томонидан етказиб берилиши белгилаб

берилди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда туман ирригация бўлимлари таркибида, туман ирригация бўлимлари мавжуд бўлмаган туманларда ирригация тизими бошқармаси таркибида жами 160 та юридик шахс мақомига эга бўлмаган хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи сув хўжалигининг маҳсус хизмати ташкил этилди. Барча маҳсус хизматларга раҳбарлар тайинланди.

Айни пайтда маҳсус хизмат билан сув истеъмолчиси ўртасида сувни етказиб бериш ва кўрсатилган бошқа хизматлар учун тўланадиган маблағлари кўрсатилган ҳолда шартнома тузиш ишлари якунланиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 15 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш бўйича бир ҳафта муддатда алоҳида дастур қабул қилинишини маълум қилди.

Сув хўжалиги вазирлигига вилоят ҳокимлари билан бирга 1 октябрга қадар 4,5 минг км суғориш тармоқларини тозалаш ва 231 км қисмини бетонлаш, 3 мингта гидротехник иншоотни таъмирлаш, 3,5 мингта насос ўрнатиш, 490 км насос қувурларини таъмирлаш ва 281 та қудук қазишни таъминлаш вазифаси топширилди. Ушбу мақсадлар учун 300 млрд. сўм маблағ босқичма-босқич ажратилади. Видиоселектор йиғилишида аҳоли томорқаларида энг катта муаммо – сув таъминоти бўлаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан экин турлари жойлашувидан келиб чиқиб, аҳоли томорқаларини суғориш учун 4 млрд. м<sup>3</sup> сувни тақсимлаш, ҳар бир маҳалла кесимида ариқ очиш, тозалаш, тармоқларни тиклаш бўйича графикни тасдиқлаб, ишларни бошлиш топширилди. Бу ишлар учун республика бюджетидан 50 млрд. сўм, маҳаллий бюджетлардан яна 50 млрд. сўм ўйналтирилади.

Шу билан бирга, Кўшработ, Нуробод, Конимех, Пешку, Чироқчи, Жарқўрғон, Бойсун, Оҳангарон, Фаллаорол, Фарғона каби туманларда сув таъминоти оғир маҳаллаларда қудук қазиш ва насос ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплашга бюджетдан 50 млрд. сўм ажратилади. Шунингдек, янги сув омборлари атрофидаги 100 минг гектардан ортиқ ерларга тадбиркорларни жалб этиб, инфратузилма яратишга ёрдам бериб, мос келадиган экинлар экинши ташкил қилиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Бу йил сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 млрд. м<sup>3</sup> сувни тежаш кўзда тутилган. Бунда сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш ва ерларни лазер текислаш эвазига 3 млрд. м<sup>3</sup>, ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш тадбирлари ҳисобидан 3,1 млрд. м<sup>3</sup>, ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли технологияларни жорий этиш, сув кам талаб қиласиган экинлар улушкини қўпайтириш ва қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш натижасида 0,9 млрд. м<sup>3</sup> сувни тежаш кўзда тутилган. Шунингдек, ғалладан бўшаган майдонларда такорий экинларни суғориш учун ҳам сув етказиб берилиши таъминланади.

Шунингдек, матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Р.Қаршиев сўзга чиқиб, мамлакатимиз

қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишга давлат сиёсатининг устувор жиҳатларидан бири сифатида ёндошилаётганлиги, Президентимизнинг 2023 йил 1 март куни қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берганлигини қайд этди.

Қарорга асосан, жорий йилда сув тежайдиган технологияларни йирик сув узатиш ва сув чиқариш тармоқларининг бош қисмида, “бир канал – бир тизим” тамойили асосида 230 минг гектарда, шу жумладан, 160 минг гектар майдонда – томчилатиб суғориш, 28 минг гектар майдонда – ёмғирлатиб, 2 минг гектарда дисcretli суғориш ҳамда 218 минг гектар экин майдонларини лазерли ускуна ёрдамида текислаш бўйича манзилли рўйхатлар шакллантирилди.

Хозирда жами 2 140 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирувчиларининг 68,2 минг гектар майдонида, жумладан, 1 697 та талабгорнинг 58,0 минг гектар майдонида – томчилатиб суғориш, 443 та талабгорнинг 10,2 минг гектар майдонида – ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Республикада сувни тежайдиган суғориш технологиялари ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш саноати кенгайиб, уларнинг сони 45 тага етказилди. Бу эса, бутловчи қисмларнинг таннархини хориждан ташиш харажатларини тежаш ҳисобига 15–20 фоизгача пасайтириш ёки гектарига 5–7 млн. сўмга арzonлаштириш имконини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирувчилари учун ахборот алмашинувининг шаффоф механизмини йўлга қўйиш мақсадида “Томчи-реестр” ягона электрон реестри ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Бугунги кунда 190 дан ортиқ корхона ушбу платформага тегишли ҳужжатларни онлайн шаклда киритган.

Шунингдек, субсидиялар бериш юзасидан тегишли материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишишнинг “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими жорий этилиб, амалиётга татбиқ этилди. 2023 йилдан бошлаб сув тежовчи технологияларни жорий қилган ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар ушбу тизим орқали ажратилади.

Вазирлик тизимида меҳнат қилаётган барча ишчи-ходимлар бир ёқадан бош чиқариб, суғориш мавсумида истеъмолчиларга сувни лимит асосида етказиб бериш чоғида ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, сув ресурсларини самарали бошқариш, ундан окилона фойдаланиш, Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича барча зарурий чораларни кўрмоқда.

Матбуот анжумани сўнггида журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

**Матбуот хизмати**

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

13.06.2023 16:43

Кўрилди: 581



2023 йил 13 июн куни пойтахтдаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Анжуман Президентимизнинг жорий йил 1 март куни қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сонли ва “Қуий бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сонли қарорлари ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишилланди.

Сув аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминловчи неъмат бўлиб, вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган 33 мингдан зиёд ишчи-ходимлар аҳиллик билан меҳнат қилиб, оби ҳаётнинг ҳар томчисини қадрлаш, исроф қилмаслик, ундан унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Матбуот анжуманида вазир ўринбосари А.Мирзаев олдинги йилларда бошланган ва ўз самарасини берган тизим – сувни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаётганлигини, Президентимизнинг ПҚ-144-сонли қарори билан бу борада янги тартиблар белгиланганлигини таъкидлади.

Қарорға биноан, жорий йилда сув тежайдиган технологияларни йирик сув узатиш ва сув чиқариш тармоқларининг бош қисмидә, “**бир канал – бир тизим**” тамойили асосида 230 минг гектарда, шу жумладан, 160 минг гектар майдонда – томчилатиб суғориш, 28 минг гектар майдонда – ёмғирлатиб, 2 минг гектарда дискретли суғориш ҳамда 218 минг гектар экин майдонларини лазерли ускуна ёрдамида текислаш бўйича манзилли рўйхатлар шакллантирилган.

Хозирда жами 2 866 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчиларининг 94,0 минг гектар майдонида, жумладан, 2 391 та талабгорнинг 82,5 минг гектар майдонида – томчилатиб суғориш, 475 та талабгорнинг 11,5 минг гектар майдонида – ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Республикада сувни тежайдиган суғориш технологиялари ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш саноати кенгайиб, уларнинг сони 45 тага етказилди. Бу эса, бутловчи қисмларнинг таннархини хориждан ташиш харажатларини тежаш ҳисобига 15–20 фоизгача пасайтириш ёки гектарига 5–7 млн. сўмга арzonлаштириш имконини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчилари учун ахборот алмашинувининг шаффоф механизмини йўлга қўйиш мақсадида “**Томчи-реестр**” ягона электрон реестри ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Бугунги кунда 200 дан ортиқ корхона ушбу платформага тегишли ҳужжатларни онлайн шаклда киритган.

Шунингдек, субсидиялар бериш юзасидан тегишли материалларни тўплаш, кўриб чиқиши ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишишнинг “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими жорий этилиб, амалиётга тадбиқ этилди. 2023 йилдан бошлаб сув тежовчи технологияларни жорий қилган ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар ушбу тизим орқали ажратилади.

Президентимизнинг ПҚ-145-сонли қарори асосида республика бўйича туманларда 161 та Сув хўжалигининг маҳсус хизмати бўлимлари ташкил этилди. Туман Бандликка кўмаклашиш марказлари билан келишиб, малака талабларидан келиб чиқсан ҳолда ҳозирда ишсиз бўлган 4241 нафар фуқаро ишга қабул қилинди.

Сув хўжалигининг маҳсус хизмати томонидан республика бўйича 3 млн. 409 минг гектар майдонга хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бугунги кунгача истеъмолчиларга сув етказиб бериш бўйича 73 минг 349 та шартнома тузилган.

Республика бўйича Сув хўжалигининг маҳсус хизматлари томонидан 303 млрд. 801 млн. сўмлик бизнес режалар ишлаб чиқилган бўлиб, 10 июнь ҳолатида истеъмолчиларга 57 млрд. 295 млн. сўмлик хизматлар кўрсатилган. Сув хўжалиги маҳсус хизматига 7 млрд. 254 млн. сўмлик маблағлар тўлаб берилган.

2023 йил апрель-май ойлари давомида сув истеъмолчиларига қарийб 6 млрд. 268 млн. куб метр сув етказиб берилган бўлиб, етказиб берилган сув

учун истеъмолчилар билан апрель ойида 73 минг 349 та, май ойида 71 минг 554 та далолатнома расмийлаштирилди.

Бу эса ўз ўрнида 73 минг 349 та истеъмолчи олган сувнинг ҳисоб-китоби юритилаётганидан далолат беради ва йил якуни билан солик идораларига истеъмолчиларнинг қанча сув олганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар шаклланишига имконият яратилади.

Шу билан бирга, жойлардаги махсус хизматлар билан сув истеъмолчилари ўртасида 68 минг 194 та кундалик ҳисоб журналлари юритилиши йўлга қўйилди.

Истеъмолчилар ўртасида сувнинг аниқ ҳисоб-китоби юритилишини таъминлаш мақсадида шу кунга қадар 24 минг 165 та истеъмолчининг сув олиш қулоқлари жихозланди. Бу ишлар бугунги кунда давом эттирилмоқда.

Сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шерикликка бериш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида жойлашган сув хўжалиги объектларини ДХШ асосида бошқарувга олиш бўйича лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилиб тасдиқланган ва тегишли хulosса олиш учун Молия вазирлигига тақдим қилинган.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл ва Қўнғирот туманлари, Бухоро вилояти Пешқу тумани, Самарқанд вилояти Иштихон тумани, Сирдарё вилояти Гулистон туманларидағи сув хўжалиги объектларини ДХШ асосида бошқарувга олиш бўйича хусусий ташаббускорлар томонидан лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Вазирлик тизимида меҳнат қилаётган барча ишчи-ходимлар бир ёқадан бош чиқариб, суғориш мавсумида истеъмолчиларга сувни лимит асосида етказиб бериш чоғида ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, сув ресурсларини самарали бошқариш, ундан оқилона фойдаланиш, Президентимиз қарорларида белгиланган топшириклар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича барча зарурий чораларни кўрмоқда.

Матбуот анжуманида журналист ва блогерлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

**Матбуот хизмати**

## ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

27.06.2023 11:53

Кўрилди: 3396



27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан Сув хўжалиги вазирлигига тадбир ўтказилди. Унга соҳани фаол ёритиб бораётган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Тадбирда Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги ўқиб эшиттирилди.

Мамлакатимиз сув хўжалиги соҳасини ёритиш, сувчиларнинг машаққатли меҳнатларини акс эттириш, сув хўжалигини ривожлантириш Концепцияси ва Стратегиясида белгиланган мақсадлар йўлидаги ишларни, жумладан, сувни тежаш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, рақамлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни жамоатчиликка етказишда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс эканлиги эътироф этилди.

Тадбирда “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири Тоҳир Долиев, “Ўзбекистон” радиоканалиси шархловчиси Ўрол Пардаев ва бошқалар сўзга чиқиб, Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорлик самарали бўлаётганлигини, сувдан тежаб фойдаланиш, сув истеъмоли маданиятини ошириш йўлида бундан кейин ҳам биргаликда ишлашга тайёр эканликларини таъкидлашди.

Соҳани ёритаётган энг фаол ижодкорларга совғалар топширилди.

**Матбуот хизмати**

## **СУВ ХҮЖАЛИГИДА КОРРУПЦИЯГА ЎРИН ЙЎҚ!**

**27.07.2023 15:21**

Кўрилди: 855



2023 йил 27 июль куни вазирликда “Сув хўжалигида коррупцияга ўрин йўқ!” мавзуида семинар ўтказилди. Унда вазирлик марказий аппарати бошқарма бошлиқлари ва раҳбар ходимлари, шунингдек, вазирлик таркибидаги давлат унитар корхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқукий механизмларини такомиллаштиришга оид норматив-ҳуқукий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Сув хўжалиги вазирлиги тузилмасида 2021 йилнинг 1 октябридан мавжуд штат бирлиги доирасида Ички аудит ва комплаенс назорат бошқармаси ташкил этилди ва вазирлик худудий бўлинмаларида масъуллар белгиланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда сув хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган раҳбар-ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқукий билимларини ошириш бўйича давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар ташкил этиб келинмоқда.

2021 йил 1 январдан бошлаб ишга қабул қилишни давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портали ([vacancy.argos.uz](http://vacancy.argos.uz)) орқали мустақил очик танловлар шаклида амалга ошириш йўлга қўйилди.

Вазирлик томонидан коррупцияга қарши қураш бўйича барча меърий-хўкуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамасдан коррупция ҳолатлари учраб турибди. Мисол учун, 2021 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прократураси, Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижаларига кўра, 2019–2021 йилларда ҳудудий ишчи гуруҳларнинг хulosаларига асосан давлат бюджети ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича ажратилган 310,0 млрд. сўм (1546 та субъектда) субсидиялар мақсадсиз ва самарасиз сарфланганлиги аниқланди.

2023 йилнинг 1-ярим йиллигига вазирликнинг Ички аудит ва комплаенс назорат бошқармаси томонидан бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши бўйича ўтказилган назорат тадбирларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг асоссиз ортиқча тўланиши, ҳақиқатда бажарилмаган қурилиш-таъмирлаш ишларига маблағ ўтказиб бериш ва бажарилмаган иш ҳажмларини қўшиб ёзиш ҳамда давлат харидлари тўғрисидаги қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлар талабини бузиш натижасида 2 млрд. 804 млн.сўмлик хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш, коррупцион хатарлар профилактикасини ўтказиш, субсидия маблағлари ажратилишида ва капитал қурилиш соҳасида инсон омилини камайтириш чоралари кўрилмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 1 мартағи 144-сонли қарорига асосан вазирлик умумий штат бирликлари доирасида 13 та ҳудудда ички аудит гуруҳлари – бош инспектор лавозими жорий этилди. Уларга сувни тежайдиган технологияларга ажратилган субсидия маблағларини ўрганишдан ташқари, вазирлик таркибидаги бюджет ташкилотларга бюджетдан ажратилган ва бюджетдан ташқари маблағларнинг дастлабки, жорий ва якуний назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, 2023 йилдан бошлаб сувни тежайдиган суғориши технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари иш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия маблағлари ажратишни “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими орқали амалга ошириш жорий этилди. Бунинг натижасида сув тежовчи технологияларни жорий қилган талабгорларга субсидия маблағлари ажратиш жараёни шаффофлашиб, ғайриқонуний аралашувларга чек қуйилди.

Семинарда вазирлик ва унинг таркибидаги устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналарда Очиқлик индексини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Президентитмизнинг 2023 йил 14 июнь куни қабул қилинган “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларни ўз муддатларида бажариш, очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни қонунчиликда белгиланган ахборот

ресурсларида эълон қилиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Сувчилик савобли касб. Бу касб эгалари оби-ҳаётни етказиб бериб, халқ фаровонлиги йўлида доим эзгу ишлар қилиб, элнинг дуосини олган. Коррупциявий ҳаракатлар сувчиларга мутлақо ярашмайди, ушбу касб эгаларининг минг-минг йиллар давомида томчилаб орттирган обрўсига ҳам доғ туширади.

Шу боис, соҳанинг фидойи ходимлари “Сув хўжалигида коррупцияга ўрин йўқ!” деган шиорни ўз олдиларига мақсад сифатида қўйиб кечаю-кундуз далаларга оби ҳаётни бир маромда етказиб бериш учун тинмай меҳнат қилишмоқда.

## **Матбуот хизмати**

## **СУВЧИЛАРНИ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА УНДАГАН АНЖУМАН**

**04.08.2023 11:23**

Кўрилди: 804



Кўпчилигимиз ҳалиям сувчилар деганда китобларда ўқиб, журналларда суратини қўриб илк тасаввуримизда жонлантирганимиз – эгнида оқ яктак, бошида дўппи, меҳнатдан қаварган қўлида кетмон, офтобда қорайган юзида самимият барқ уриб турган инсонларни кўз олдимизда гавдалантирамиз.

Бироқ, ҳаёт ўзгариб, олдинги тасаввурларни янгилайдиган давр келди. Энг қадимги касблардан бири бўлган сувчилик ҳам илм-фан ютуқларидан баҳра олиб, инновацион усулларни қўллашга астойдил киришганига анча бўлди. Таъбир жоиз бўлса, юртимизда рақамлаштириш жараёнлари энг жадал бораётган, ўрнатилаётган янги технологиялар сони йил сайин эмас, ой сайин, кун сайин ўсиб бораётган соҳалар орасида, энг олдинги қаторларда сув хўжалиги ҳам бор, десак ҳеч янгилишмаймиз.

Бугун сув хўжалиги ходимлари катта-катта сув иншоотларини қўлда эмас, автоматлаштирилган тизим орқали масофадан бошқарайпти, каналларда оқаётган, насос станцияларида чиқарилаётган сувнинг хисобини ўтирган жойида оляяпти, қўл телефони ёки компьютерида суғоришга ким қанча сув сарфлаётганини билиб, таҳлил қилиб турибди, ер ости сизот сувларининг сатҳи, минераллашганлик даражаси ҳақидаги маълумотларни

онлайн тарзда қабул қилиб, марказга узаяпти. Илгари йигирма гектарлик битта далани тўрт-беш кишилашиб, бир ҳафтагача суғорган бўлса, энди томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш технологияси ўрнатилган далаларни бир киши бир куннинг ўзида сувлаб, бошқа ишларини қилишга ҳам улгураяпти.

Илм-фан, тараққиёт ҳақиқатдан сувчиларнинг жисмоний меҳнатини енгиллаштириди, уларнинг қўлига кетмон эмас, китоб тутқазди. Янги технологияларни ишлатиш, такомиллаштириш, сувни бошқаришга илм билан ёндашиш сувчиларга доимий равишда билим ва малакасини ошириб боришни энг муҳим вазифа, хаётий зарурат қилиб қўйди.

Оддий одамларнинг эса сувга бўлган муносабати, суғориш маданияти ўзгарди. Энг улуғ неъмат бўлган сувни қадрлаш, исроф қиласлик, ундан ўлчов билан фойдаланиш, тежамкорликни тарғиб қилиш, буларни ёш авлодда тушунтириш ва ўргатиш бўйича мутлақо янги маданият шаклланди.

Сув хўжалиги вазирлигининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги ҳайъат иғилишида Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташабbusи ва тинимсиз саъи-ҳаракатлари билан барпо бўлаётган Янги Ўзбекистонда сувчиларнинг ўрни, ислоҳотларга қўшаётган ҳиссаси ҳақида сўз юритилди.

Сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраев жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига эришилган натижаларга тўхталар экан, 17 млрд. 35 млн. м<sup>3</sup> сув етказиб берилганлигини, сувни самарали бошқариш, замонавий технологияларни қўллаш ва бошқа тадбирлар ҳисобига 678 млн м<sup>3</sup> сувни тежашга эришилганлигини таъкидлади. Республика бўйича 118,6 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни қурилиш-монтаж ишлари бошланган бўлиб, шу кунгacha 72,5 минг гектарида ишга туширилган. 1604 та “Ақлли сув”, 915 та “Дайвер” қурилмаси ўрнатилган, 1 та йирик сув хўжалиги объектини автоматлаштириш якунига етказилган, режага нисбатан 121 млн кВт.соат электр энергияси тежалган. Капитал қурилиш, таъмирлаш-тиклар ишлари натижасида 110 минг гектар майдоннинг сув таъминоти, 55 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланган.

Ҳамма соҳанинг ўз етакчилари, фаҳрланадиган инсонлари бўлади. Исмоил Жўрабеков ана шундай сувчиларнинг фаҳри, давраларининг файзи ҳисобланади. Бугун сув хўжалигига меҳнат қилаётганларнинг қанча-қанчаси ёшлигига Исмоил Ҳакимовични экранларда кўриб, қилган ишларини газеталарда ўқиб, у кишига ҳавас билан улгайган ва шу соҳани танлаган.

И.Жўрабеков бундан 50-60 йил бурунги даврларда қандай қийинчиликларни бошдан ўтказганлигини айтиб берди. Сувчиларга қарататётган эътибори, соҳани ривожлантиришдаги ташабbusлари учун Президентимиздан ҳамма миннатдор эканлигини таъкидлади. Ўзининг узоқ йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб, сув хўжалиги иншоотларини автоматлаштирмасдан, сув тежовчи технологияларни қўлламасдан бугунги кунда ишлашнинг имкони ва иложи йўқ, деган қатъий фикрни билдириди.

Бу йил ғалладан юқори ҳосил олингани, август ойининг бошида ғўзалар етти-саккизтадан кўсак олиб, яхши ривожланаётгани, кузда об-ҳаво яхши келса, пахтадан ҳар йилгидан кўп ҳосил кутилаётгани ҳақида сўз юритилди. Ёғингарчиликлар мўл бўлгани учун сув омборларда сувнинг тахминан 50

фоизи ишлатилгани, буёғига имкон қадар оби ҳаётни тежаб, келгуси йиллар учун сақлаб қолиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 27 июль куни пахтачиликдаги долзарб вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда берган топшириқларидан келиб чиқиб, фўзани парваришлаш ва ҳосилдорликни таъминлаш ишларини барча ҳудудларда сифатли амалга ошириш бўйича эълон қилинган “Долзарб 30 кунлик”да фаол меҳнат қилиб, сувчиларнинг зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажариш, бу йилги суғориш мавсумини муваффакиятли якунлаш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Сув хўжалиги ходимларининг катта қисми ўз даврида Тошкент ирригация институтида таҳсил олган. Шу даргоҳдан учирма бўлиб, катта ҳаётда ўз йўлини топган. Йиғилишда сўзга чиққан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ректори, ҳайъат аъзоси Баҳодир Мирзаев таълим даргоҳи етиштириб бераётган кадрларнинг асосий истеъмолчиси Сув хўжалиги вазирлиги эканини алоҳида эътироф этди.

Сув хўжалигига ёш кадрларни доимий равишда жалб этиб бориш, олий маълумотли кадрлар сонини ошириш, бу борада миллий тадқиқот университети билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, талабалар амалиётини ташкил этишда қўмаклашиш, соҳада илм-фан ва инновацион ишланмаларни татбиқ этишни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Суғориш мавсуми якунига етганидан сўнг миллий тадқиқот университети профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда худудий сув хўжалиги ташкилотлари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этишга келишиб олинди.

Соҳага доир барча ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш сув хўжалигининг энг қуи бўғинидан тортиб, вазирлик раҳбариятигача – барчанинг бурчига айланган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг назоратини юритувчи “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимиға киритилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилиши юзасидан Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан доимий ҳамкорликда иш олиб бориляпти.

Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-176-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан барча даражадаги раҳбар ходимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

2023-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ижросини самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижросини тизимли йўлга қўйиш,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ижро этилишининг амалиётдаги аҳволи, улар бўйича кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини мунтазам муҳокама ва таҳлил этиб бориш зарурлиги қайд этилди. Бу масалада камчиликларга йўл кўяётган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилиши таъкидланди.

Шунингдек, “Ijro.gov.uz” тизими билан ишлаш ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Сўзга чиққанлар Сув хўжалиги вазири, ўринбосарлари сугориш мавсуми давомида вилоятларда далама-дала юриб, сувчиларга амалий ёрдам берадиганлигини, оддий ходимларнинг меҳнат шароитлари, ўйташвишларидан раҳбарият доимий хабардор эканлигини эътироф этдилар. Белгиланган прогноз кўрсаткичларни кейинги чоракларда ўз муддатларида тўлиқ бажариш, сугориш мавсумини муваффақиятли якунлаш, ҳамма йўналишларда сувчиларнинг юзи ёруғ бўлиши учун астойдил меҳнат қилишга ваъда бердилар.

Тизимдаги барча раҳбарлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Ҳукумат топшириқлари, жорий йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва вазифаларнинг ижроси таъминланмаса ҳайъатнинг 9 ойлик якуnlари бўйича йиғилиши танқидий руҳда ўтказилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Бир сўз билан айтганда, кечаги йиғилиш сув хўжалигининг ходимларини янгиликлар, ўзгаришлар қилишга, соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштиришга ундейдиган, уларни касбидан, меҳнатидан ғуурланиб, эл-юрт хизматига, савоб ишларга чорлайдиган ўзига хос анжуман бўлди, десак асло муболаға эмас.

**Шуҳрат Суюнов,  
Сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби**

## **БУЮК ВА БЕБАҲО НЕЪМАТ**

**29.08.2023 11:27**

Кўрилди: 317



Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигини кенг нишонлаймиз. Айни кунларда ушбу қутлуг байрам остонасида турибмиз.

Мустақиллик эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди. Истиқлол йилларида кўхна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкониятига эга бўлдик. Озодлик боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижаоти ила ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг марказий аппаратида, энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида, ўтган давр мобайнида босиб

ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларни холисона баҳолаш ва уларнинг аҳамиятини вазирлик ходимларига етказиш мақсадида “Маърифат соати” ташкил қилиниб, унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳукуқ институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор Миродил Баратов иштирок этди. “Маърифат соати”да озодликнинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмаслиги, мустақиллик ҳақиқатан жуда улуғ ва бебаҳо неъмат эканлиги, бу кунларнинг орзусида қанчадан-қанча маърифатпарвар, эркесвар боболаримиз жон фидо қилганликлари таъкидлаб ўтилди.

Аслида юртимизнинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир миллатдошимиз илму зиёси, одоби, иқтидор ва қобилияти, салоҳияти, меҳнати, ҳалоллик ва жонкуярлиги билан Ватанимиз равнақига, унинг мустақил тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Бу ҳақиқат бугунги “Маърифат соати”да ҳам эътироф этилди.

**Алимардон Ҳайитов**

## **СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНинг ЭНГ НАМУНАЛИ ФИДОИИ АЁЛЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ**

**14.10.2023 12:36**

Кўрилди: 396



15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан Сув хўжалиги вазирлигига тадбир ўтказилди.

Маълумки, 2007 йил 18 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни сифатида расман эълон қилинган бўлиб, бугунги кунда мазкур сана дунёнинг кўплаб давлатларида кенг нишонланиб келинмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда 8,6 миллионга яқин хотин-қизлар қишлоқ худудларида истиқомат қиласди. Уларнинг аксарияти қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида, тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначилик, томорқа ер майдонидан самарали фойдаланиш йўналишларида фидокорона меҳнат қилиб келишмоқда.



Хусусан, республикамизда 4,3 миллион гектар суғориладиган ерни сув билан таъминлаш, сувнинг ҳисобини олиб бориш, тежаш, соҳага замонавий сув тежовчи технологияларни татбиқ этиш, сув иншоотларини масофадан туриб бошқаришни жорий қилишда вазирлик ва унинг қуи тизимларида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг муносаб ҳиссаси бор.

Тадбирда Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев жамиятимизда сувчиларнинг обрў-эътибори юксалаётгани натижасида хотин-қизларнинг сув хўжалиги тизимида ишлашга бўлган қизиқиши ортиб, охирги йилларда соҳада аёлларнинг улуши кўпаяётганлигини, бунда тизимдаги ҳар бир ташкилотда хотин-қизларга имкон қадар енгилликлар берилаётгани, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётгани ҳам алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

“Сув хўжалиги соҳасининг энг намунали фидойи аёл ходимаси”ни аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси билан ҳамкорликда танлов ўтказилди. Танловга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги барча сув хўжалиги ташкилотларидан хотин-қизлар жалб этилди.

Тадбирда танлов голибларига мукофотлар топширилди.



“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети хотин-қизлар кенгаши раиси, проф. З.Исмоилова, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси бўлим бошлиғи А.Маҳмудова, Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ирригация бўлими техник гидротехники Қ.Аллабергенова, Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги мелиоратив экспедицияси Қўрғонтепа туман участкаси бошлиғи Н.Мирзараҳимова ва бошқалар сўзга чиқиб, сув хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизларга яратилган шароитлар, улар қўллаб-қувватлаш ҳақида фикрларини билдирилар.

15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан шу каби тадбирлар сув хўжалигининг барча тизим ташкилотларида ўтказилмоқда.

**Ахборот хизмати**

## **МАНГУ БОР БЎЛ, ОНА ТИЛИМ!**

**19.10.2023 16:16**

Кўрилди: 184



21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни муносабати билан бугун Сувхўжалиги вазирлигига “Мангу бор бўл, она тилим!” мавзусида давра сұхбати бўлиб ўтди. Вазирлик марказий аппарати ходимлари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кафедра мудири, филология фанлари номзоди Олим Тошбоев маъруза қилиб, она тилимиз – миллий ўзлигимиз тимсоли, дунёдаги кўплаб миллату элатлардан ажратиб турувчи муҳим белгилардан бири эканлигини таъкидлади. Кўп асрлик тарихга эга бўлган она тилимиз ўзининг ривожланиш босқичларида турли тўсиқларга учраганлиги, аммо зиёлилар, миллат фидойилари ва тилимиз жонқуярларининг саъй-харакатлари билан бу тўсиқлардан мардонавор ўтганлиги маърузачи томонидан қайд этилди.



“Тилини асраган миллат асло завол кўрмайди. Зоро, адабиёт, тил яшаса – миллат яшайди” деган маърифатпарвар боболаримизнинг теъран ўгитлари мазкур тадбирда барадла янгради. Бугунги глобаллашув жараёнида она тилини нафақат соф ва нуқсонсиз сақлаб қолиш, балки уни тараққий эттириш, замон талбларидан келиб чиқсан ҳолда бойитиб бориш, жаҳон минбарларидан жаранглашига эришиш устувор вазифалардан ҳисобланиши таъкидланди.

Мазкур тадбирда ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ҳамда халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада ошириш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги босқичларини белгилаш масалаларига кенг урғу берилди.

**Алимардон Ҳайитов**

## ВАЗИРЛИКДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

28.10.2023 17:11

Кўрилди: 96



2023 йил 28 октябрь куни Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги жамоат ташкилотларининг ходимлар олдидаги ҳисоботи тингланди. Йиғилишда вазирлик Касаба уюшма қўмитаси, Жамоатчилик кенгаши, ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти аъзолари ва фаоллар иштирок этди.

Дастлаб, Касаба уюшма қўмитаси раиси Б.Хушвақтовнинг 9 ой давомида амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи эшитилди. Уюшма раиси 8 март байрами муносабати билан вазирлик марказий аппарати ва хўжалик бўлимида фаолият юритаётган хотин-қизларга совғалар уюштирилгани, шунингдек, хотин-қизлар ички туризм йўналишида Жиззах вилояти Зомин туманидаги соғломлаштириш дам олиш масканига юборилгани ва бошқа тадбирлар учун ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида сарфланган маблағлар ҳақида жамоатчилик олдида ҳисбот берди.

Аъзоларнинг меҳнат ва дам олиш хукуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш, ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш ишига кўмаклашиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига ёрдамлашиш бўйича касаба уюшма фаолиятини такомиллаштириш, Сув хўжалиги вазирлигининг 2023-2024 йиллар учун “Жамоа шартномаси”га қонун ҳужжатларидан келиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар мухокама қилинди.



Вазирлик хузурида Жамоатчилик кенгаши тузилган, унинг низоми, йиллик иш режаси тасдиқланган. Бироқ, кўпчилик ходимлар Жамоатчилик кенгаши таркибидан хабардор эмас, унинг қай даражада фаолият юритаётганини яхши билмайди. Йигилишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, бунда Жамоатчилик кенгашининг вазифалари, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш каби жамоатчилик назоратининг шаклларидан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди.



Вазирнинг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Н.Худойбердиев тизимда меҳнат қилаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга яратилаётган шарт-шароитлар, сувчи ёшлар ўртасида турли интеллектуал танловлар, спорт мусобақалари ўтказиш, тизимдаги ёрдамчи хўжаликларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, қўшимча даромад олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисбот берди.

Келгусида ҳар хафтанинг шанба кунларида спорт тадбирларини ўтказиш, ташкилотлар қошида кутубхоналар ташкил этиш, ноябрь - декабрь ойларида тизимда “Ҳуқуқий заковат” интеллектуал ўйинларини уюштириш, ижарада яшаётган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш, вазирлик ходимлари учун турар-жой биноси қуришга рухсат олиш ва қурилишни тезлаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар, таклифлар илгари сурилди.

Йиғилишда танқидий фикрлар билдирилди. Ҳар чорак якунида жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва етакчиларининг ҳисботларини эшитиш, жамоат ташкилотлари кўнгилдагидек фаолият юритиши учун ҳар бир ходим жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатиши зарурлиги қайд этилди. Якунда ходимлар вазирликда жамоатчилик назоратини кучайтиришга келишиб олдилар.

**Ахборот хизмати**

## **СУВЧИЛАРНИНГ ИШЛАЙДИГАН ДАВРИ КЕЛДИ**

**29.10.2023 14:00**

Кўрилди: 196



Росмана куз энди кирди.


Дехқону-миришкорлар ҳосилнинг қолган-қутганини йигиб-териб олиш ташвишида елиб-югуриб, ўн-ўн беш қунда ерига ҳам, ўзига ҳам дам беришни ўйлаб юрган бир паллада сувчилар учун энг қизгин давр бошланди.

Аслида сувчи учун қаттиқ ишлайдиган, дам олишга ҳеч вақт бўлмайдиган пайт бу куз-қиш мавсуми ҳисобланади. Суғориш тармоқларида сув тўхтагани, насослар ишламаётганидан фойдаланиб, ҳаммасини таъмирлаш-тиклаш, келгуси йил суғориш давригача бекаму-қўст қилиб қўйиш зарур. Шур ювиш тадбирлари олдидан коллектор-дренаж тармоқларини тозалаб улгуриш, шу орада ғалла майдонларига сув олиш, “Яшил макон” дастури доирасида кўчат экишга ҳисса қўшиш муҳим ишлар сирасига киради. Хўжалик ички суғориш тармоқларини тозалаш учун аҳоли вакиллари билан биргаликда ҳашарлар уюшириш, маҳаллалар оралаб ўтган ариқларни қазишга бош-кош бўлиб туриш учун ҳам вақт ажратиш керак бўлади.



Сув хўжалиги вазирлигининг бугун бўлиб ўтган навбатдаги ҳайъат йиғилишида куз-киш мавсумида бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва тинимсиз саъй-ҳаракатлари билан барпо бўлаётган Янги Ўзбекистонда сувчиларниң ўрни, ўз меҳнати ва ватанпарварлиги билан ислоҳотларга қўшаётган ҳиссаси хақида сўз юритилди.

Сув хўжалиги вазири, ҳайъат раиси Ш.Хамраев ғалла майдонларини сугориш, коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш, насос станцияларини таъмиrlаш ишларини 10 кун муддатда қайтадан қўриб чиқиб, вазирликка ахборот киритиш бўйича барча тизим ташкилотлари раҳбарларига топшириқлар берди. Тизимдаги бино ва иншоотларда электр энергиясини тежаш, қуёш пенеллари ва бошқа муқобил энергия турларидан фойдаланишга ўтиш зарурлиги қайд этилди.



Ёрдамчи хўжаликлардан унумли фойдаланиш, муҳофаза зоналари ва гидроиншоотлар атрофидаги ерларни бўш қолдирмаслик, экин экиш, ривожлантириш жамғармаларига маблағ тушумларини ўтказиш, “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида кўчат ўтказиш, куйи тизим ташкилотлари ҳисобидаги мулк ва иншоотларнинг кадастр хужжатларини тайёрлаш бўйича ишлар қониқарсиз аҳволда эканлиги танқид қилинди.

Сувчиларнинг фахри, давраларнинг файзи, вазир маслаҳатчиси Исломил Жўрабековга сўз берилди. Исломил Ҳакимович ёзги суғориш мавсуми яхши ўtgани, барча ҳудудлар етарлича сув олгани, қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳосилдорлик ҳам кўнгилдагидек эканини таъкидлади.

2023 йил суғориш мавсуми учун тайёргарликни ҳозирдан бошлаш, энг аввало, сув омборларини тўлдириш, куйи тизимдаги ҳар бир ташкилотнинг қиши мавсумида сувдан фойдаланиш режасини тузиш бўйича топшириклар берилди.

Биринчи навбатда магистрал каналларда сувни ўлчайдиган “Ақлли сув” қурилмалари ўрнатишни якунлаш, йирик гидроузелларни ва гидропостларнинг барчасини автоматлаштириш, қиши ойларида ўрта ва куйи бўғин раҳбар ходимларнинг малака ошириш курсларини ўтказиш масалалари ҳам эътиборда бўлди.



Хайъат аъзолари вазирлик тизимида 9 ойлик якунлари ҳамда жорий йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш, ижро интизомини кучайтириш, бу борада раҳбар-ходимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Хайъат йиғилишида вазирлик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши, касаба уюшма қўмитаси аъзолари қатнашди. Йиғилиш оммавий ахборот воситалари учун очик бўлди.

**Ахборот хизмати**

## **ВАЗИРЛИКДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ**

**04.11.2023 14:00**

Кўрилди: 594



Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига 2023 йилги ёзги суғориши мавсуми яқунлари ҳамда куз-қиши мавсумидаги суғоришини ташкил этиш бўйича жамоатчиликка ҳисобот бериш мақсадида матбуот анжумани ўтказилди. Унда соҳа олим ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар иштирок этди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраев мавзу юзасидан ҳисоботини тақдим этди. Таъкидландикни, сув халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминловчи неъмат бўлиб, вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган 33 мингдан зиёд мутахассис-ходимлар аҳиллик билан меҳнат қилиб, обиҳаётнинг ҳар томчисини қадрлаш, исроф қилмаслик, ундан унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан сув хўжалиги соҳасида ҳам кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар бошланган, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида сув

ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланган.

Ушбу ҳужжатлар асосида Сув хўжалиги вазирлиги сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация-мелиорация ишлари, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш чораларини кўрмоқда.



2023 йилда кузатилган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан ишончли таъминлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни белгилаш мақсадида жорий йил 10 майда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофик, Сув хўжалиги вазирлиги, йирик сув тақсимлаш иншоотлари ҳамда ҳудудларда 769 та суғориш штаби ташкил этилди. 1 минг 469 та кўчма дизель ва бошқа турдаги насос агрегатлари қўшимча сув олиш учун коллектор-дренаж тармоқларига ўрнатилиб, фойдаланиш йўлга қўйилди.

Таҳлилларга кўра, 2023 йил суғориш мавсумида, яъни апрель-сентябрь ойларида 29 млрд.  $m^3$  сув етказиб берилди. Мавсум давомида 6,5 млрд  $m^3$  сув тежалишига эришилди.

Етказиб берилган сув билан бу йил ғалладан мўл ҳосил олинди, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳар йилгидек хирмон кўтарилиши кутилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари сероблиги, бозорларимиз тўқислигига ҳисса қўшилди.

Суғориш мавсуми якунига етганидан сўнг 2023 йил ҳосили учун экилган ғалла майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида республикадаги мавжуд сув омборларида сув захираларини яратишга киришилди.

Республикамиз худудларида охирги бир ҳафта давомида кузатилган ёғингарчилик сабабли сувга бўлган талабнинг камайишини ҳисобга олиб, сув омборларидан чиқарилаётган қарийб  $210 \text{ м}^3/\text{сек}$  сув камайтирилди. Шу билан бирга, 11 та сув омборига ўртача  $195 \text{ м}^3/\text{сек}$  қўшимча сув киритилиши таъминланди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги сув омборларида жами  $7,3 \text{ млрд. м}^3$  ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан  $1,0 \text{ млрд. м}^3$  кўпроқ сув захираси мавжуд. Охирги 3 йилга нисбатан таққослаганда эса  $782 \text{ млн. м}^3$  кам сув йифилган.

Бугунги кунда республика бўйича кунлик суғориш ишлари учун  $584 \text{ м}^3/\text{сек}$  сув олинмоқда. Унинг 80–85 фоизи ғалла майдонларини суғоришга йўналтирилаяпти.

Шу кунга қадар экилган ғалла майдонларида жами 1 млн 72 минг гектар суғориш ишлари бажарилган бўлиб, шундан биринчи суғориш ишлари 868,4 минг гектарни, иккинчи суғориш ишлари 204 минг гектарни ташкил этади.

Президентимизнинг жорий йил 1 март куни қабул қилинган “Қуи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида республика бўйича туманларда 161 та Сув хўжалигининг маҳсус хизмати бўлимлари ташкил этилди. Шу орқали сув хўжалиги ташкилотларига истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб ишлаш имкони берилгани қуи бўғиндаги кўп муаммоларни ҳал қилди.

Ўтган давр мобайнида 904 минг гектар майдонда сувни тежайдиган суғориш технологиялари, шундан 396 минг гектар майдонда томчилатиб, 26 минг гектарда ёмғирлатиб, 15 минг гектарда дискрет суғориш тизимлари, 70 минг гектарда эгилувчан кувурлар ҳамда 35 минг гектарда эгатга плёнка тўшаб суғориш технологиялари жорий этилди, шунингдек, 362 минг гектар экин майдонлари лазер ускунаси ёрдамида текисланди. Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш кўлами суғориладиган майдонларнинг 24 фоизига етказилди.

Сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича ишлар давом эттирилиб, ҳозирги мавсумда ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш усулини қўллаш бўйича барча туманларда кўргазмали амалий семинарлар ташкил этилмоқда.

Матбуот анжуманида жорий йил 3 ноябрь куни Бишкек шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Кирғиз Республикаси ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги давраси бўлиб ўтгани, унда қатор

хужжатлар, жумладан, “Андижон” (“Кампиробод”) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги Битим, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қирғиз Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ресурслари хизмати ўртасида сув хўжалиги масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битим имзолангани ҳақида маълумот берилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.



**Ахборот хизмати**

# ВАЗИРЛИКДА ТАРМОҚ КЕНГАШИ ОФИСИ ВА МАЛАКА ОШИРИШ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

04.11.2023 14:20

Кўрилди: 320



2023 йил 4 ноябрь куни Сув хўжалиги вазирлигига соҳада касбий малака ва билимларни ривожлантириш тармоқ кенгаши оғиси ҳамда сув хўжалиги соҳасидаги раҳбар кадрлар малакасини ошириш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраев, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси Сиёсат, матбуот ва ахборот бўлими раҳбари Миндаугас Качераускис, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади хоним ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.



Қайд этилдики, мамлакатимизда инсон капиталини тұлақонли ривожлантириш, олий ва профессионал таълимнинг сифатини ошириш, аҳолининг кенг қатламларини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ҳамда малакали кадрлар тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида “Сув хўжалиги соҳасида касбий малака ва билимларни ривожлантириш тармоқ кенгаши” ташкил этилди.



Тармоқ кенгашига мўлжалланган хоналар Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган ҳамда ЮНЕСКО амалга ошираётган “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида ишга жойлашиш қўникмаларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида жиҳозланди.



Шунингдек, сув хўжалиги тизимидағи ўрта ва қуий бўғин раҳбарларининг малакасини ошириш маркази Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси. 2-босқич” доирасида жиҳозланди. Бу ерда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, насос станциялари ва энергетика бошқармалари, туманлар ирригация бўлимлари раҳбарлари, маҳсус хизмат, сув тежовчи технологиялар бўйича мутахассислар учун ўкув курслари ташкил этилади.

**Ахборот хизмати**

## ИЖРО ИНТИЗОМИ – САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

05.11.2023 11:32

Кўрилди: 310



Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига марказий аппарат ҳамда унинг тасарруфидаги Республика ва тизим ташкилотларида идоравий иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро назоратини янада мустаҳкамлашга бағишлиланган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда таъкидландики, тартиб-интизом ҳар жойда зарур. Кўзланган мақсадга ҳам, юксак самарадорликка ҳам қатъий тартиб-интизом туфайлигина эриша оламиз. Ўз навбатида, ҳар бир давлат органининг вазифа ва функцияларини амалга оширишда ижро интизоми муҳим ўрин тутади. Давлат органига келиб тушаётган ҳар бир ҳужжатни рўйхатта олиш, унинг ижро муддатини белгилаш ва ижросини таъминлаш қатъий тартиб асосида амалга оширилади.



Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарор талабларидан келиб чиқсан ҳолда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида вазирлик томонидан электрон ҳужжат айланиши тизими ташкил этилган. Ҳар бир ҳужжатнинг ижро муддати ўз вақтида белгиланиб ва доимий назорат қилиб борилмоқда.

Семинар иштирокчилариiga ижроси юклатилган ҳужжатлар ва хатлар билан ишлаш, уларнинг ижросини таъминлаш тартиб-таомиллари амалий мисоллар асосида ва кўргазмали воситалар ёрдамида кенг тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, семинар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалариiga риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва унинг иловасига мувофиқ тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида сўз юритилди.



**Матбут хизмати**

# СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

25.11.2023 16:30

Кўрилди: 328



Бугун Сув хўжалиги вазирлигига “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш” мавзусида семинар ўтказилди. Тадбир Европа Иттифоқи томонидан молиялаширилаётган, БМТ Таракқиёт Дастури (БМТТД) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигидаги “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторининг яшил иқтисодиётга инклузив ўтишини қўллаб қувватлаш ва иқлимга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги билимлари ва инновацион тизимини ривожлантириш (EU-AGRIN)” лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, БМТТД лойиҳаси, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” миллий тадқиқот университети, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоят ҳокимликлари ва у ерда фаолият олиб борувчи AKIS агротехнологиялари марказлари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб борувчи олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларининг соҳа мутахassisлари ва ННТлар вакиллари иштирок этди.



Иштирокчилар дастлаб Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг суғориш технологиялари ва техникаси, гидротехника ва мелиорацияда гидродинамика жараёнларини моделлаштириш ва Мелиоратив техника ва механизmlар лабораторияси ҳамда Saniplast корхонаси фаолияти билан яқиндан танишиб, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган томчилатиб суғориш тизимларини кўздан кечиришди.



– “Глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгти йилларда сув танқислиги ва ички ирригация тармоқларининг асосий қисми яроқсиз ҳолатга келганлиги

сабаб, сугориладиган экин ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашишиб бормоқда. Бунинг оқибатида фермер ва дехқонлар сув танқислигидан энг кўп зарар қўриб, ҳосилдорлик пасайишига дуч келишмоқда. Бу эса, қишлоқ хўжалигининг умумий иқтисодиётга салбий таъсирини қўрсатмоқда. Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган EU-AGRIN лойихаси доирасида юқоридаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида, намунавий ҳудудларимиз ҳисобланмиш Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларидаги кичик фермер ва дехқон хўжаликларида Европанинг етук тажрибасини қўллашни режалаштирганмиз. Иқлим ўзгаришига мослашиб, ердан самарали фойдаланиш ва сув ресурсларини тежайдиган технологияларни қўллаган ҳолда сувсизликка чидамли экин турларини яратиш ва уларни синовдан ўтказиш орқали дехқон ва фермер хўжаликларига инновацияларни жорий этишга кўмаклашишни мақсад қилганмиз. Бугунги семинар соҳа мутахассисларига фойдали бўлишига умид қиласиз”, – деди EU-AGRIN лойихасининг миллий координатори Улугбек Исламов.

Лойиха томонидан намунавий ҳудудларда илм ва амалиётни боғловчи “Инновацион гурухлар” ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш, ушбу гурухлар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ресурстежамкор инновацион усулларини қўллаш устида иш олиб борилмоқда. Ушбу гурухлар олимлар, фермерлар ва ишлаб чиқаришнинг бошқа вакилларидан ташкил топган бўлса, сув мутахассисларининг ҳар бир гурух таркибида фаол иштирок этиши режалаштирилган. Бунда ҳар бир инновацион лойихани амалга оширишда сувдан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади, чунки бугунги кунда, барқарор қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш орқали озиқовқат ҳавфсизлигини таъминлашда сувни тежаш устувор масала ҳисобланади. Сув таъминотини кўпайтириш ва сувни тежовчи технологиялардан, масалан, томчилатиб суғориш, экинларнинг кам сув талаб, сувни тежайдиган навларини кўпайтириш орқали, сув ресурслари танқислигини ҳал этиш имконияти янада кенгайиши мумкин.

Семинарда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги ҳолати бузилишининг олдини олиш, сифатли маҳсулот етиштириш борасидаги илгор тажрибаларни оммалаштириш хусусида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, соҳанинг етук мутахассислари томонидан “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий барқарорлигига эришишда сувнинг аҳамияти: Европа Иттифоқи ва глобал сиёсатининг умумий кўриниши”, “Суғориладиган майдонларда “дала суғориш тизими – SMART” технологиясини жорий қилиш”, “Ер - сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва шўрланган ерлар мелиорацияси”, “Сув хўжалиги тизимини рақамлаштиришда “Ақлли сув” курилмалари”, “Қишлоқ хўжалигига сув ҳисобини юритиш: инновацион усуллар” ва “Иқлим ўзгариши шароитида сув танқислигини юмшатиш” мавзуларидаги тақдимотлар тингланди.

**Ахборот хизмати**

## СУВ ОМБОРЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ МАЛАКА ОШИРМОҚДА

28.11.2023 14:59

Кўрилди: 357



Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг Малака ошириш марказида сув омборлари, йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармалари бошлиqlари малака оширмоқда.



Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг маслаҳатчиси И.Жўрабеков сўзга чиқиб, мамлакатимиз сув хўжалиги тизимини изчил ривожлантириш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, қишлоқ хўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжини таъминлашда сув омборлари муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда республика бўйича умумий ҳажми 19 млрд. м<sup>3</sup> дан зиёд бўлган 50 дан зиёд сув омбори мавжуд бўлиб, улардан барқарор фойдаланиш, сув омборларини суғориш мавсумига тайёрлаш, соз ҳолатда сақлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш доимий эътибордаги долзарб масала ҳисобланади. Кейинги йилларда сув омборлари, йирик гидротехника иншоотлари ҳамда муҳим тоифаланган обьектларда олдиндан огоҳлантириш ва локал хабар бериш тизими босқичма-босқич жорий қилинмоқда.



Малака ошириш курси тингловчилари беш кун мобайнида республикамизда сув хўжалиги тизимини ривожлантириш истиқболлари, гидротехника иншоотларининг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш каби мавзуларда маърузалар тинглайди.

**Ахборот хизмати**

## СУВЧИЛАР ДОНОРЛИК АКЦИЯСИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШДИ

01.12.2023 14:19

Кўрилди: 255



БМТ томонидан 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни, деб эълон қилинган. Ушбу сана бутун дунёда кенг нишонланади ва бундан кўзланган асосий мақсад ақлий ва жисмоний нуқсони бор замондошларимизни ҳар томонлама қўллаб-куватлашдан иборатdir.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташаббусига кўра, жорий йилнинг 1 декабрь куни вазирлик, ташкилот ва идораларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар ва ходимлар ўртасида кўнгиллилик ва ихтиёрийлик асосида “Онкогематологик касалликларни биргаликда енгамиз!” шиори остида “Донорлик билан ҳаёт улашайлик!” акцияси ўтказилди.



Ушбу тадбирда Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари ҳам фаол иштирок этиб, Юнусобод туманидаги 49-сонли оиласий поликлиника биносида қон топширди.

– Бугунги хайрия акциясида мен топширган 450 грамм қон тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ болалар, беморлар, ногиронлиги бор инсонларга асқотишига ишонаман, – дейди Инсон ресурсларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Х.Лапасов. – Бундай инсонларга қўлдан келганча ёрдам кўрсатиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir. Ана шундай эзгу ишга оз бўлса-да ҳиссамни қўшаётганимдан беҳад мамнунман.



Ушбу тадбирнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар қон қўйиш маркази билан ҳамкорликда кейинги ҳафтада вазирликда худди шундай акция ташкил этиш режалаштирилди.

### Ахборот хизмати

## “СУВҚУРИЛИШИНВЕСТ” ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЎҚУВИ БОШЛАНДИ

05.12.2023 17:01

Кўрилди: 264



Навбатдаги машғулотларга “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари раҳбарлари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари – Сув хўжалигига капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги Бош директори Д.Ходжиахмедов тадбирни очиб берар экан, кейинги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш ва сув хўжалиги обьектларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ирригация ва мелиорация лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш, соҳада илм-фанни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини қайд этди.

2023 йилда ирригация-мелиорация обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига 1 208,1 млрд. сўм капитал маблағ ажратилган бўлиб, 1 декабрь ҳолатига 1 116,4 миллиард сўм ёки йиллик режага нисбатан 92 фоиз, мелиорация обьектларини таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича эса 350,4 млрд. сўмлик ишлар бажарилган.

Бу ишлар натижасида, лойиҳалар ҳудудидаги 354 минг гектар майдонларнинг сув таъминоти ва 150 минг гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, шўрланган ер майдонлари 78,8 минг гектарга, шундан кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 33 минг гектарга қисқариши кутилмоқда.

Дастурга кўра, тингловчилар республикамиз сув хўжалиги тизимини янада ривожлантириш, сув хўжалиги обьектларини қуриш, реконструкция қилиш бўйича меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда соҳага доир турли мавзуларда маъruzалар тинглайди.

### **Ахборот хизмати**

## ВАЗИРЛИКДА ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

07.12.2023 11:50

Кўрилди: 216



Бугун Сув хўжалиги вазирлигига бир гурух ҳамкасбларга “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.



Мукофотларни Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев топширди.







– Бу мукофот вазирлигимиз жамоасига кўрсатилган юксак эътибор намунасидир, – дейди Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Ибрагимов. – Барчамизни руҳлантирган ҳолда янада шиҷоат билан ишлашга, топшириқлар ижроси ва вазифаларимизни янада масъулият билан бажаришга ундейди.

**Ахборот хизмати**

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

07.12.2023 17:51

Күрилди: 240



Қарақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари раҳбарлари уч кун мобайнида Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг Малака ошириш марказида ўқув курсларида иштирок этди.

Тадбир якунида иштирокчилар машғулотларда ўтилган мавзулар бўйича сұхбатдан ўтказилиб, ундан муваффакиятли ўтганларга сертификатлар топширилди.



**Ахборот хизмати**

## **СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ЎТКАЗИЛДИ**

**09.12.2023 17:20**

Кўрилди: 179



Тадбир 9 декабрь – Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда вазирлик марказий аппарати, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларидан таклиф этилган масъул ходимлар, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Дастлаб, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, вазирлик тизимида кўрилаётган чора-тадбирлар ва навбатдаги вазифалар хақида маъruzalar тингланди.

Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими Ойбек Абдуғаниев коррупциянинг жамият ривожига тўсиқ бўлувчи иллат эканлиги хақида фикр-мулоҳазаларини билдириди ҳамда унга барҳам бериш бўйича республикамида кўрилаётган чора-тадбирлар хақида маълумот берди.



– Сув хўжалиги вазирлигига манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом, вазирлик ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши қурашиш бўйича сиёсати, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти, шунингдек, регламент ва йўриқномалар, коррупциявий хатарларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича “Йўл харитаси”дан иборат жами 10 та ҳужжат ишлаб чиқилиб, тасдиқланган, – дейди вазирликнинг Ички аудит ва комплаенс назорат бошқармаси бош мутахассиси Шокир Кулимбетов. – Айни пайтда мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб борилмоқда.



Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги «Очиқ эшиклар куни» тадбирида мавзуга тегишли кўплаб саволларга жавоблар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраев сўзга чиқди.

**Ахборот хизмати**

## МУКОФОТ МУБОРАК!

09.12.2023 17:30

Кўрилди: 311



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганигининг 30 йиллиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан сув хўжалиги соҳасининг бир гурӯҳ фидойи ва фаол ходимлари “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Вазирликда мукофотларни топшириш бўйича тантанали йиғилиш ўтказилди.

Вазирлик Юридик бошқармаси бошлиғи Равшан Шаропов, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази директори Зокир Ишпўлатов, Сув хўжалиги капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги Бош директори ўринбосари Мадаминжон Қурбоновга “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги аълочиси” кўкрак нишони топширилди.



Мукофотланган барча ҳамкасбларни қутлаймиз.



**Ахборот хизмати**

19.12.2023 12:50

Кўрилди: 191



Илм инсонни камолотга етаклайди, унга ҳурмат, эътибор келтиради, мартабасини юқори қиласи.

Аждодларимиз «Бешикдан қабргача илм изла», «Илмни Чинга бориб бўлса ҳам ўрган», «Илм олмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарз» деган ҳикматларни бежизга қулоғимизга қўйишмаган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси, халқимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда. Бу пойдеворнинг асосий ўзаги, устунларидан бири эса, шубҳасиз, илм-фандир.

Мана бир неча йилдирки, ёзги суғориш мавсуми тугаб, ғаллага бир-икки сув қуйилганидан кейин, кузги-қишки тадбирлар орасида вақт ажратиб, худудий ташкилотлар раҳбарларининг малака ошириш курсларини ташкил этиш сув хўжалиги соҳасида анъанага айланиб улгурди. Ноябрь ойида бошланган ва Тошкент шаҳрида ҳар ҳафтада ташкил этилаётган бу йилги малака ошириш курсларида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари хузуридаги Насос

станциялари ва энергетика бошқармаси, Мелиоратив экспедициялар, сувомборлари, йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармалари, “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари раҳбарлари иштирок этди.



Навбат Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарларига етиб келди. Улар учун бугун бошланган малака ошириш курсини расман очиб берар экан, Сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраев вазир маслаҳатчиси, барча сувчиларнинг фахри, давлат ва жамоат арбоби Исмоил Ҳакимович Жўрабековни мисол қилиб келтирди.

– Бу инсон сув хўжалиги соҳасидан ҳеч кимга синов, имтиҳон топширмайди. Қанча билими борлигини билиш учун бирор келиб сўроқ-саволга ҳам тутмайди. Лекин, қачон қараманг, Исмоил Ҳакимович мутолаадан тўхтамайди. Уйига борсангиз том-том китоб, иш столида ҳам доим ирригация-мелиорация, сув қурилишига доир илмий китоблар бўлади. Сабаби оддий, бу инсон илм билан шу мартабага эришди, изланиш, ўқиш, ўрганишни ҳалиям ўзининг ҳаёт матлаби деб билади. Биз, айнан илм ўрганиш, ҳар куни ҳеч бўлмагандан бир китобнинг ўн варагини ўқишни ўзимизга талаб қилиб қўйишида Исмоил Ҳакимовичдан ўrnak олишимиз керак, – деди вазир.

Хафта давомида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарларига дарсларни вазир ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, олимлар, эксперталар ўтишади. Жойларга чиқкан ҳолда амалий машғулотлар уюштирилади.



“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг битирувчи талабалари билан ҳам мулоқотлар бўлиб ўтади.

«Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар», дейди дона ҳалқимиз. Малака ошириш курси иштирокчиларининг билимини мустаҳкамлаш учун ҳафта давомида вазирлик раҳбарияти томонидан барча шароитлар яратиб берилади.



**Ахборот хизмати**

## “МЕЛИОРАЦИЯ АХБОРОТ ТИЗИМИ” БҮЙИЧА ТАҚДИМОТ ЎТКАЗИЛДИ

22.12.2023 09:58

Кўрилди: 159



Хабарингиз бор, шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарлари Тошкентда малака ошироқда.

Малака ошириш дастури доирасида 21 декабрь куни “Мелиорация ахборот тизими” дастурий таъминотининг функциялари ва имкониятлари тўғрисида тақдимот ўтказилди.



Ушбу дастурий таъминот Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” доирасида ишлаб чиқилган. У “Мелиорация ахборот тизими” маълумотлар базаси, геоахборот тизими маълумотларини қайта ишлаш серверидан иборат.



“Мелиорация ахборот тизими” ерларнинг мелиоратив ҳолатини кузатиб бориши, мелиоратив кузатув қудуқларида ўрнатилган “Дайвер” қурилмалари ёрдамида ер ости сизот сувлари сатҳи ва уларнинг менераллашганлик кўрсаткичларининг онлайн мониторингини юритиш ҳамда интерполация

усуллари ёрдамида ерларнинг мелиоратив ҳолати бўйича рақамли хариталарни ишлаб чиқиш учун мўлжалланган. Тизимга ер ости сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашганлик кўрсаткичларини назорат қилиш имконини берувчи 4 224 та “Дайвер” қурилмалари маълумотлари боғланган.



Тақдимот чоғида мутахассисларнинг таъкидлашича, янги ахборот тизимининг ишга туширилиши натижасида лойиҳа ҳудудларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш аниқлиги 20 фоизга оширилган.

#### **Ахборот хизмати**

## **СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ**

**22.12.2023 17:10**

Кўрилди: 251



Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида малака ошираётган Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари 2023 йилнинг 22 декабрь куни Тошкент вилоятининг Тошкент туманида жойлашган “EKO DRIP LUX” корхонаси фаолияти билан танишди.

Корхона 2010 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда тежамкор сугориш усуллари – томчилатиб, ёмғирлатиб ва пульсар сугориш тизимларини қўллашда ишлатиладиган 850 хилдан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бошқача айтганда, тежамкор сугориш технологияларининг 95 фоиз қисмлари маҳаллийлаштирилган.



Корхона йилига қарийб 150 минг гектар майдонга етарли миқдорда томчилатиб сугориш технологияси ускуналари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар республикамиз ички эҳтиёжининг 30–35 фоизини қоплаш имконини бермоқда.



Мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий этишга “ЕКО DRIP LUX” корхонаси таъсисчиси Акмал Аҳмедов муносиб ҳисса қўшиб

келаётганлиги инобатга олиниб Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг буйруғига асосан “Сув хўжалиги аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Тадбирда ушбу кўкрак нишони тантанали равишда топширилди.



– “Сув хўжалиги аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланишимни асло кутмаган эдим, – дейди Ақмал Аҳмедов. – Бу мукофотни нафақат менга, балки жамоамизнинг барча ходимларининг меҳнатига берилган юксак эътироф деб биламан. Мамлакатимизда сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларни кенгайтиришга имконимиз етгунча хизмат қиласиз.



**Ахборот хизмати**

## КУЗГИ-ҚИШКИ ТАДБИРЛАР СУВ ХЎЖАЛИГИ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

23.12.2023 17:15

Кўрилди: 237



Янги Ўзбекистон тараққиётнинг юқори поғонасига дадил қадам қўймоқда.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бераяпти.

Фоят мураккаб ва синовли кечган 2023 йилда халқимиз мashaққатли ва жасоратли меҳнатлари орқали улкан натижаларга эришди.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқларини тилга олар экан, ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошгани, иқтисодиётимизга бир йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келгани, экспорт ҳажми 19 миллиард долларга етгани, илгари бундай катта натижалар бўлмаганини эътироф этди.

Сув хўжалиги вазирлигининг бугун бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиши Мурожаатномани ўрганиш билан бошланди. Барча ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари онлайн уланган йиғилишда Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномада сув хўжалигига

устувор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратгани барча мирабларга фахр-ифтихор бағишлайди, деб таъкидлади. Шу билан бирга, жуда катта масъулият юкланиши ҳам эътироф этди.

Ер юзида иқлиминг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камайиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда. Сўнгги 15 йилда ёғингарчилик 25 фоизга қисқарди. Ёзда ўта иссиқ кунлар давомийлиги ортгани олдимиизда ҳали катта синовлар борлигидан далолат беради. Лекин ҳозирги вақтда экин майдонларига сув етказиб беришда сезиларли йўқотишлиар бор. Шу боис, Президентимиз сув хўжалиги тизими ислоҳ қилинишига урғу бердилар.



Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланган. Эндиликда ана шу икки хужжатга таяниб ва Мурожаатномада белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, соҳа янада илоҳ қилинади.

Йиғилишда вазирлик тизимида кузги-қишки тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

– Кузги-қишки тадбирлар сув хўжалигининг тақдирини ҳал қиласди. Афсуски, бу ишлар жойларда етарли даражада олиб борилмаяпти. Ёзда каналларда сув бўлади, насослар ишлаб туради, таъмирлаш-тиклаш ишларини ҳозир қилмасак, яна қачон вақт бўлади, – деб таъкидлади вазир.

Ерларни шўр ювишга тайёрлаш, лазерли текислаш, шўр ювишда сувни ортиқча исроф қилмаслик, насос станцияларини сифатли таъмирлаш, сув тежовчи технологиялар жорий этишни кенгайтириш, мелиоратив тадбирларни уюшқоқлик билан олиб бориш, соҳани рақамлаштиришни жадаллаштириш, сув омборлари хавфсизлигини доимо назоратда ушлаб туриш, ижро интизомига қатъий риоя этиш ва масъулиятни ошириш, ходимлар меҳнатини қўшимча рағбатлантириш каби масалалар юзасидан топшириклар берилди.

24 декабрь куни тизимдаги барча ташкилотларда Мурожаатномани ўрганиш бўйича ўқиши ташкил этишга келишиб олинди.

Ушбу хафта давомида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ҳамда вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарлари Тошкентда малака ошириш курсини ўтади.

Йиғилиш яқунида курс тингловчиларига сертификатлар топширилди.

**Ахборот хизмати**

## МУРОЖААТНОМА ЎРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

24.12.2023 12:23

Кўрилди: 192

Сув хўжалиги вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасини ходимларга етказиш мақсадида семинар бўлиб ўтди. Унда вазирлик марказий аппарати ва тизим ташкилотлари мутахассислари иштирок этди.



– Мурожаатномада экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани, шу боис биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз кераклигига алоҳида урғу берилган, – дейди Юридик бошқарма бошлиғи Равшан Шаропов. – Ушбу тарихий ҳужжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, сув хўжалиги соҳаси янада ислоҳ қилинади. Жумладан, сувнинг ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизими жорий этилади ва келгуси уч йилда 13 мингта сув хўжалиги обьектларини рақамлаштиришга эришилади. Бу жараёнда 16 та йирик насос станциялари хусусий шериклик асосида модернизация қилинади ва муқобил энергияга ўтказилади.

Вазирликнинг қуий бўғинида сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида бу йил туманларда 161 та Сув хўжалигининг маҳсус хизмати бўлимлари ташкил этилган эди.

Президентимиз ташаббуси билан эндиликда сув солиги бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлаштиришга йўналтирилади. Бу ўз ўрнида қўйи бўғиндаги ташкилотларнинг ишини янада енгиллаштиради, жойларда сув таъминотини яхшилашга шароит яратади.

Мурожаатда вазирлик ва идоралар сони ҳозирги 61 тадан 28 тага камайтирилиши белгиланган. 28 та вазирлик ва идоралар орасида Сув хўжалиги вазирлигининг ҳам борлиги бу соҳа давлатимиз ва халқимиз учун қанчалик муҳимлигини, Президентимизнинг доимий эътиборида эканлигини англатади. Шу билан бирга, сув хўжалиги ходимларига катта масъулият юклайди, уларни жасорат билан меҳнат қилишга ундаиди.



Семинарда сўзга чиққанлар барча соҳалар бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган Мурожаатномани қайта-қайта ўқиб чиқиши, шунингдек, уни чуқур ўрганиш бўйича барча тизим ташкилотларида мана шундай семинарлар ташкил этиш таклифини билдирилар.

**Ахборот хизмати**

## СУВ ХЎЖАЛИГИ ЁШЛАРГА ТАЯНАДИ

29.12.2023 12:59

Кўрилди: 147



Эх, қани энди ёшлигим қайтиб келсайди, дейдиганлар ҳавас қиладиган давр энди бошланди.

Сув хўжалиги вазирлиги тизимида охирги бир ой ичida ёшлар орасидан 13 нафари туман ирригация бўлими раҳбарлигига тайинланди. Вазир янги йилдан сўнг яна 10 дан ортиқ туман ирригация бўлими раҳбарлигига ёшлар тайинланишини, баҳоргача 40-50 та сув хўжалиги ташкилоти бошлиқлари ёшлардан бўлишини маълум қилди, уларни тарбиялаш, тажрибасини ошириш, қўллаб-қувватлашни шахсан назоратга олишни ваъда берди. Ёш раҳбарларнинг халқаро анжуманларда иштироки, чет давлатларда стажировка ўташи, ҳудудий ташкилотларга тажриба аламашиш учун юборилиши ҳам йўлга қўйилади. Ёш кадрларнинг олтин захираси яратилади.

28 декабрь куни Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраевнинг республикадаги тизим ташкилотлари ёшлари билан онлайн мулоқоти жуда қўтаринки ва самимий рухда ўтди.



Сув хўжалиги йўналишида кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларининг битиравчи курс талабаларидан 16 нафари танлов асосида вазирликка стажёрликка қабул қилинган эди. Улардан орасида Абдухалил Холматов 2021 йилда Қозоғистон пойтахтида ўтказилган халқаро гидрология фан олимпиадасида ғолиб бўлган, шунингдек кўплаб халқаро танловларда юқори ўринларни эгаллаган.

Жанубий Мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси гидротехники Улуғбек Ражабов Жиззах вилоятидаги давлат органлари ва муассасалари ходимлари ўртасида кураш бўйича ўтказилган “Ўзбек полвони” мусобақасининг энг оғир вазн тоифаси – 100 килограмм ва ундан ортиқ курашчилар баҳсида ғолиб бўлиб, вилоятнинг мутлоқ чемпионига айланди.



Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси етакчи мутахассиси Моҳичехра Хушвактова ишдан бўш вақтларида тикувчилик билан шуғулланиб, сув хўжалиги ташкилотлари ишчи-ходимлари учун маҳсус кийимлар тикиш билан шуғулланади. Турмуш ўртоғи ҳам сув хўжалигида ишлиши, иккаласининг ҳам ташаббускор ёшлардан эканлиги инобатга олиниб, уларга Термиз шаҳридан хизмат уйи берилган.

Вазирлик ёшлари етакчиси Нодир Худойбердиев вазирлик тавсияси билан субсидия олиб, ипотека кредити асосида уй-жойга эга бўлган. Яна 15 нафар тенгдошларига уй-жой учун субсидияларни расмийлаштиришда қўмаклашган.

Мулоқот чоғида марказий студиядан ва ҳудудлардан ана шундай шижаотли ва ташаббускор кўплаб ёшлар сўзга чиқиб, ўзларининг ютуқлари, олдига қўйган мақсадлари, орзу-умидлари ҳақида тўлқинланиб гапириб бердилар.

Ёшларнинг таклиф ва ташабbusлари инобатга олиниб, янги режалар тузилди. Жумладан, 2023 йилда барча тизим ташкилотларида сув хўжалиги йўналиши бўйича “Заковат” интеллектуал ўйинлари ўtkазилади. Мусобақанинг финал босқичи 21 март – Бутунжаҳон сув қуни арафасида бўлиб ўтади. Баҳсларга бошқа вазирликлар ёшлари жамоалари ҳам таклиф этилади.



Сув хўжалигининг ёш олимлари жамияти, лидер ёшлар клуби тузилади.

Ёшлар орасида спортнинг 10 та тури бўйича олимпиада ташкил этилади.

Тизимда ҳар йили олий ўкув юртларининг 500 нафар битирувчи ёшлари ишга қабул қилинмоқда. Бу эзгу ҳаракат келгуси йилларда ҳам давом эттирилади.

– Бошқа соҳалар билан солиштирганда сув хўжалиги ходимларининг маоши камроқ. Лекин, имкониятларимиз кўп. Сувимиз, фойдаланадиган еримиз бор, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиб, қўшимча даромад олиш имкониятлари етарли. Ёшларни қўллаб-қувватласак, савобли касбимиз сирларини ўргатсак ва ҳалол ризқ инсонга ҳаловат олиб келишини тушунтиrsак, улар асло кам бўлмайди, – деди вазир Ш.Хамраев.

Вазирнинг биринчи ўринbosари А.Назаров ёшларнинг кўзи ёниб турганини, улардаги шижоатни, интилишни кўриб, менда сув хўжалигининг келажаги ишончли қўлларда эканлигига ишонч янада мустаҳкамланди, дея таъкидлади.



Вазирлик марказий аппарати бошқарма бошлиқлари ёшларга ёрдамчи хўжалик ташкил этиш учун ер олишда кўмаклашиш, ижодкор сувчи ёшларнинг китобини чиқариб бериш, молиявий қўллаб-қувватлаш ваъдаларини беришди.

Мулоқот ҳақиқатдан ҳам файлзли ўтди. Ҳамма ёшларнинг қалбида бошқа фаол тенгдошлари каби ўзини кўрсатиш учун интилиш пайдо бўлди, раҳбарият ўзини доимо қўллаб-қувватлашига бўлган ишонч гулхани ёнди.

Келгусида ана шундай мулоқотлар тез-тез ўтказилса, раҳбарларнинг жойларга сафари чоғида ёшлар билан юзма-юз учрашувлар уюштирилиб, муаммолари жойида ҳал этилса, ишонамизки, ёш сувчилар юрагидаги ишонч гулхани асло сўнмайди, янада гуриллайди.

**Шухрат Суюнов,  
матбуот котиби**